



O'ZBEKISTON
RESUBLIKASI
MILLIY TIBBIYOT VA
SALOMATLIK HUKUMATI

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поётда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 6 январь, пайшанба • 1 (3582)-сон

2005 йил СИҲАТ САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

Кириб келган янги йилимиз "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, кишилар ўз соғлиғига тўғри муносабатни шакллантириш каби чоратадбирларни ўз ичига олувчи кенг қамровли дастур ишлаб чиқилди.

Ички ишлар идоралари тизимида ҳам бу борада тегишли ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва фахрийларининг саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, осойишталик посбонларининг соғлиғини муҳофаза қилувчи тиббиёт ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш ҳам галдаги вазифа қилиб олинган.

Суратда: Республика ИИВ Стоматология поликлиникаси бўлим бошлиғи, подполковник Р. Асқарова даво истаб келувчи ҳар бир беморни ана шундай ширин табасум билан кутиб олади.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.




УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА
ИЧИДА



3

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШ - ДАВР
ТАЛАБИ!



5


АЛДАНГАН
ҚИЗ



20

САРАР
ХАНГОМАСИ

21



ХАТМО

23

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё
Тузатса бўладиган хатони
тузатмаслик - тузатиб
бўлмас хатога бошлайди.



Учинчи
ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

«Поётда» газетасининг иловаси

Фармон ва ижро

Янгиланаётган, туб ўзгаришларни бошидан кечираётган жамиятимизнинг барча жабҳаларида, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида инсонпарварлик, ижтимоий адолат, бағрикенглик тамойиллари тўлиқ намоён бўлаяпти. Инсон омили ва унинг манфаатларига эътибор кучайди. Президентимизнинг Конституциямизнинг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармони юртимиз мустақилликка эришганидан кейинги ўн иккинчи бор эълон қилинган инсонпарварлик актидир. Бундан кўриниб турибдики, эркин, одил, демократик фуқаролик жамияти куришга интилаётган мамлакатимизда инсон шаъни, кадр-қиммати юксалди, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Ҳар бир жабҳада инсон ва жамият манфаатлари ўз аксини топа бошлади.

ХАТО ҚИЛМОҚ БОРДИР...

– Озодлик қадрини тутқунликда кўпроқ англаб экансиз, – дейди гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, тарқатиш ва савдо-сотиғи билан шуғулланганлиги учун 11 йилга озодликдан маҳрум этилган норинлик Азиз Мадалиев. – Жазо муддатининг 3 йилу 7 ойини ўтаганимда Юртбошимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони мувофиқ жазонинг қолган қисмини ўташдан озод этилдим. Бу менга кўрсатилган ҳидоят, хатоларимни тузатишга берилган имконият бўлди. Кўп пул топиш мақсадида гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаб, ҳам истеъмол қилиб, бошқаларни ҳам оғу домига тортиб, шу жазога ўзимни мубтало қилдим. Оилам ташлаб кетди. Битта фарзандим бор. Энди фақат меҳнат

ортиқ маҳкумлар оилалари бағрига қайтишди. Асосий эътибор озодликка чиққан шахсларни жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари учун моддий-маънавий ёрдам ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга қаратилмоқда. Жумладан, уларнинг даволанишлари учун шифохоналарда 265 та ўрин, иш билан таъминлаш мақсадида эса корхона ва ташкилотларда 600 дан зиёд иш ўринлари ажратилди.

Айниқса, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатирилганлар орасида адашиб, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолганлар ҳам бор. Улар билан алоҳида профилактик-тарбиявий ишлар олиб бориш зарур. Бу ишларга маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, “Ижтимоий кўникма марказлари”, хотин-қизлар кўмиталари, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза этиш бўлимлари бош-қош бўлишаётир.

Бир сўз билан айтганда, собиқ маҳкумларнинг ижтимоий ҳаётга кўникишлари, ҳалол меҳнат қилиб, соғлом турмуш кечиришлари учун барча чоралар кўрилмақда.

Халқимизда “Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир” деган пурмаъно ҳикмат бор. Ҳақиқатан, инсон адашиши, хатога йўл қўйиши мумкин.

Адашиб жиноят кўчасига кириб қолган, умрининг навқирон дамларини озодлик деган неъматдан бенасиб, сим тўрлар ортида пушаймонликда кечираётган маҳкумларга йўл қўйган хатоларини тузатиш имкониятини бериш эса чинакам бағрикенглик намунасидир. Зеро, юқоридаги ҳикматга монанд яна бир ибора бор: “Хато қилмоқ инсонда бордир, кечирувчи эса Аллоҳга ёрдир”.

Мусоҳон ОППОҚОВ,
Наманган вилояти ИИБ ҲООБ бошлиғи,
подполковник.



қилиб, фарзандимни эл корига ярайдиган, меҳнаткаш, ҳалол инсон этиб тарбиялаш билан халқимиз, жамият олдидаги айбимни ювмоқчиман, сўз бераман!

Наманган вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан мазкур Фармонни ҳаётга тадбиқ этиш, унинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Айни дамгача 50 нафардан

Кўрик-танлов

ЭНГ ЯХШИ СЕРЖАНТ КИМ?

Ўзбекистон Республикасининг Қурулли Кучларида энг яхши мутахассис кўрик-танловининг якунловчи босқичи ўз ниҳоясига етди. Қатнашчилар отиш тайёргарлиги, жисмоний тайёргарлик бўйича куч синашишди, компьютерда тест синовлари топширишди.

Кўрик-танлов тўрт йўналишда ўтказилди. Фолиб-лик учун кураш ниҳоятда қизғин, мurosасиз ўтди. Республика ИИБ Ички қўшинларидан подполковник Евгений Чиботару энг яхши батальон командири, катта лейтенантлар Соҳиб Ўлмасов энг яхши взвод командири, Давронжон Ашуров энг яхши гуруҳ командири, деб топилди. Сержантлар орасидан энг яхшисини танлаш анча қийин кечди. Бири биридан кучда ҳам, ақлда ҳам, билимда ҳам қолишмайдиган

йигитлар баҳси якунида кичик сержант Умиджон Широнов эса энг яхши сержант деб топилди. Қоровул қўшинларидан илғорликни батальон командири, майор Маъруф-



Кичик сержант Ҳасан Бозоров.

жон Абдуллаев, взвод командири, капитан Ихтиёр Муқодиров, гуруҳ командири, лейтенант Нурулла Гулбоев ва кичик сержант Ҳасан Бозоровлар қўлга киритишди. Уларга пул мукофотлари ва махсус дипломлар топширилади.

Ўтказилган тадбир шуниси билан аҳами-

ятлики, кичик ва ўрта бўғиндаги қўмондонлик кадрларининг ўз касб маҳорати, билимларини оширишга қизиқишларини кучайтиради. Айниқса, шахсий таркибни тарбиялашда муҳим роль ўйновчи сержантларнинг нуфузини, обрўсини кўтаради. Фолибларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилса, бошқалар илғорларга тенглашишга ҳаракат қилишади. Кўрик-танловда иштирок этувчиларнинг сафи кенгайиб бораётгани ҳам қувонарликидир. Келгусида ушбу анъана давом этиши, янада бойиши, такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги, шайлигини ошириш, интизомини мустаҳкамлаш бўйича янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишларида омила бўлиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Жиноятчилик ва турли ҳуқуқбузарликларнинг кўпаймаслиги учун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг аҳоли билан мустаҳкам алоқада бўлиб, ташвиқот ва тушунтирув ишларини олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Бу борада профилактика инспекторларининг фаолияти катта ўрин тутаяди. Бевосита маҳаллада, халқ орасида иш юритувчи бу хизмат ходимларининг иш жойлари – милиция таянч пунктлари замон талабига мос равишда жиҳозланган бўлиши зарур. Шу боис ҳам ҳар йили жойларда милиция таянч пунктларининг кўрик-танлови ўтказилиб турибди. Танловда яхши натижаларга эришган Собир Раҳимов тумани “Қорасарой” маҳалласидаги милиция таянч пунктида бўлиб, профилактика инспекторларининг ишлари билан танишдик.


– Маҳалламизда 17 миллатга мансуб бўлган 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – деди профилактика катта инспектори, капитан Фахриддин Губаев. – Шулардан 1900 нафари вояга етмаганлардир. Улар орасида бекорчилар деярли йўқ, чунки фарзандларнинг фойдали машғулотлар билан бандлиги ҳаммиша ота-оналарнинг, қолаверса, маҳалла фаолларининг эътиборида.

Худудимизда жойлашган “Истиклол” спорт мажмуаси ёшларимизнинг энг сеvimли маскани. Шунингдек, Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳам айнан бизнинг маҳаллада бўлиб, болалар ва ўсмирларнинг интеллектуал онги ўсишига хизмат қиляпти. Тўғри, бизда жиноятлар учраб туради, лекин биз имкон қадар курашиб, улар-


нинг олдини олишга интилоқдамиз. Шу боис, жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бораёпти. Маҳалла фаоллари, посбонларнинг доимий кўмаги туфайли турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олди олинапти. Энг муҳими, фуқаролар худудда тинчлик ва осойишталикни сақлашда биз билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиш зарурлигини ҳис этишапти.

Ҳамидбек ЮСУПОВ.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



МАШЪУМ ИНТЕРНЕТ-КЛУБЛАР



Японияда узоқ умр кўрувчилар кўпга учрайди. Аммо Кунчиқар мамлакатининг баъзи фуқаролари, аксинча, ҳаётдан ўз ихтиёрлари билан эртароқ кетишга ҳаракат қилишяпти. Яқинда Яманаси префектурасида яна оммавий ўз жонига қасд қилиш ҳолати қайд этилди.

Янги йил арафасида икки эркак ва бир аёл ўзларини ўлдириш (харакири)ни ихтиёр қилишди. Улар ҳали

ақалли 30 ёшга ҳам киришмаган эди. Марҳумларнинг шахси аниқланяпти.

Мурдаларни эрталаб соат тўққизларда бир йўловчи Митамаша яқинида, йўл чеккасида турган юк машинаси ичида ётганини кўриб қолган. Жасадларда ҳеч қандай жароҳат излари топилмади. Машина кабинасида эса кўмир ёқиладиган печка бор эди.

Полициянинг таҳминига кўра, ёшлар биргаликда ўз жонларига қасд қилиш тўғрисида Интернет орқали келишиб олишган. Японияда биргаликда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Бундан шифокорлар ҳам хавотирда.

2003 йилда мамлакатда 32 минг киши ўзини ўлдириб, бу борада ўзига хос "жаҳон рекорди" ўрнатилган эди. Ўтган йилнинг биргина декабрь ойида 3 марта оммавий харакири ҳолати учради. Октябрь ойида эса 13 киши шу тариқа ҳаётни тарк этишган.

Ҳозирги қонунчиликка кўра, Японияда ҳокимият вакиллари "ўз жонига қасд қилувчилар клублари" фаолиятини тақиқлай олмайдилар. Бу "ўзлигини ифодалаш эркинлиги ҳуқуқини бузиш" ҳисобланади.

Интернетдаги кўпга сайтлар эса ёшларни зомбига айлантиришда давом этишяпти. Ўз жонига қасд қилаётганлар орасида кекса, ўрта ёшли японлар ҳам учраб туради. Ишсиз қолган айрим кишилар харакирини қийинчиликдан қутилишнинг ягона йўли деб билишмоқда.

РЭКЕТЧИЛАР ҲИБСДА

Испания Миллий полицияси Мадридда рэкет билан шуғулланган украиналиклар гуруҳи ҳибсга олинганини хабар қилди. Талончилар ўз юртларидан келган фуқароларни кўрқитиб, пулларини олишган.

Испания Миллий радиосининг маълум қилишича, бундан бир ой аввал полицияга Мадрид яқинида яшовчи Украина фуқароси мурожаат қилган. Аризасида ўзини босқинчилар ўғирлаб, калтаклаб, катта пул ваъда қилганидан сўнггина озод этишганини ёзган.

Шундан сўнг тезкор ҳаракатлар бошланди. Махсус операция чоғида жиноий тўда бошлиғи ва аъзолари қўлга олинди.

Ўтган йили июнь ойида эса Испанияда машина олиб қочишга "ихтисослашган" украиналиклар қўлга олинган. Жиноятчилар жуда содда усулдан фойдаланишган. Улар супермаркетлар яқинидаги машиналар турадиган майдончалар атрофини макон қилишган. Автоулов эгаси дўконга кириб кетганида машина орқасига бўш консерва банкасини боғлаб қўйишган. Ҳайдовчи майда-чуйда харид қилиб чиқиб, автомобилда кетаётганида галати овозни эшитиб тўхтаган. Табиийки, моторни ўчирмасдан, калитни олмасдан пастга тушиб, машинанинг орқа томонига ўтган. Пайт пойлаб турган ўғри эса лип этиб автоулов салонига чиқиб, газни босган...

Бундан ҳайдовчилар тегишли хулоса чиқаришади деб ўйлаймиз.



БАЙРАМДАГИ АЗА

Афсуски, Янги йил тантаналари чоғида баъзан кўнгилсизликлар ҳам бўлиб туради. Аргентина пойтахти Буэнос-Айресдаги дискотека клубларидан бирида ҳам байрам азага айланди. Гувохларнинг сўзларига қараганда, фожиа соат 23.00 ларда юз берган. Ўйин-кулгу энди авжга чиққан бир пайтда бенгал машъалаларидан чиққан учқунлар ёнғинга сабаб бўлган.



Ўша пайтда бино ичида олти мингга яқин ёш-яланг бор эди. Ваҳима бошланиб, кўпчилик оёқ остида қолиб кетди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 170 нафардан зиёд киши ҳалок бўлган. Куйиш ва тан жароҳати олганлар сони эса 360 дан ошди.

Буэнос-Айрес мэри Анибол Ибаррнинг айтишича, барча жабрланганлар касалхоналарга ётқизилган.

ЁЛЛАНМА ҚОТИЛЛАР ҚИДИРИЛЯПТИ

Москва шахрининг Яхромская кўчасида бир ишбилармон ва унинг уч нафар қўриқчисига ҳужум уюштирилди. Ёлланма қотиллар автомобилда келиб, автоматдан ўқ узишган ва воқеа жойидан қочиб кетишган.

"Новости" РАА хабарига кўра, бир қўриқчи ҳалок бўлган, унинг икки ҳамкасби ва ишбилармон касалхонага ётқизилган. Яна баъзи маълумотларга қараганда бир киши ҳалок бўлиб, бир киши яраланган.

Гумон қилинувчилар ҳали қўлга олинмади. Аммо



уларнинг қизил рангли "Жигули" машинаси топилди. Жиноятчилар унга ўт қўйишган бўлишига қарамай, орқа ўриндиқдан жиноят қуроли - Калашников автомати топилди.

АЗ-ЗАРҚАВИЙ ҚЎЛГА ОЛИНДИМИ?


Баъзи маълумотларга қараганда, Ироқда энг йирик террорчилик гуруҳларидан бирининг етакчиси Абу Мусоб аз-Зарқавий қўлга олинган. У яқинда "Ал-Қоида"нинг Ироқдаги раҳбари этиб тайинланган эди. АҚШ ҳокимияти вакиллари уни

Усома бин Лоденнинг ҳамкори деб ҳисоблаб, террорчини тутишга ёрдам берганларга 10 миллион доллар ваъда қилишганди.

Бирлашган Араб Амирликлари матбуоти юқоридаги хабарни Курдистондаги манбалар, жумладан, "Ироқ Курдистони" радиоси маълумотларига асосланиб тарқатган. Илгари Саддам Хусайннинг ҳибсга олинганлиги ҳақида ҳам айнан "Ироқ Курдистони" эълон қилган эди.

Асли иорданиялик бўлган аз-Зарқавий (ҳақиқий исми Аҳмад ал-Халилулло) Ироқни "янги Афғонистон"га айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Араб матбуоти маълумотларига қараганда, "Ат-Тавҳид вал-Жиход" ташкилоти мамлакатнинг ўз таъсир доирасидаги қисмини бир неча амирликка бўлиб олган.

Жангарилар 50-500 кишилик бўлинмаларга бирлашиб ҳаракат қилишади. Аз-Зарқавийнинг жами жангчилари сони 1500 нафарга етади. Улар ичида кўпуровчилар, ракетачилар бор. Гуруҳнинг қурол-аслаҳа омборхоналари мамлакатнинг турли ҳудудларида жойлашган. Жангариларнинг мақсад-



лари шу ойнинг охирида ўткарилиши режалаштирилган сайловларни барбод қилиш. Бу террорчилик гуруҳи мамлакатнинг Бош вазири ва ўтиш даври ҳукумати аъзоларидан ўч олиши ҳақида дағдаға қилапти.

Шу ўринда сешанба куни Боғдод шахрининг губернатори ўлдирилгани тўғрисида ҳам тўхталиш керак. Али ал-Ҳайдарий ва унинг олти нафар тансоқчиси бўлган машина ўққа тутилган. Натижанда юқори мартабали амалдор ҳамда унинг бир қўриқчиси ҳалок бўлган. Боғдод губернатори Саддам Хусайн ҳокимиятдан ағдарилганидан буён ўлдирилган амалдорлар ичида энг юқори мартабалисидир. Бу қотилликни аз-Зарқавий етакчилик қилаётган гуруҳ ўз бўйнига олди.

АТЛАНТИДА ФОЖИАСИ ТАКРОРЛАНМОҚДА

Жаҳон харитасидан Мальдив ороллари давлати тез орада йўқолиши мумкин. Унинг бошига Атлантида тақдири тушиши эҳтимоли бор. Дунёнинг жаннатмакон ўлкаларидан бири бўлган

бу мамлакат ўрнида денгиз тўлқинланиб турса ажабланмас ҳам бўлади. Бунга яқинда юз бериб, юз мингдан зиёд кишининг ёстиғини қуритган даҳшатли цунами сабаб. Ушбу табиий офат ороллари океандан ҳимоя қилиб турган маржон рифларини ювиб кетди.

Ороллардан бирини ҳокимият вакиллари кимсасиз деб эълон қилишди. Илгари бу ерда уч ярим минг киши яшарди. Сабаби, цунами уни яшаш учун яроқсиз ҳолга келтирди. Шундоқ ҳам ороллар аҳолиси глобал иссиқ муаммосига қарши курашаётган эди. Чунки ороллар денгиз сатҳидан бор-йўғи бир метр юқорида жойлашган. Дунё микёсида иссиқ жараёни шу тарзда давом этаверса, океан сатҳи кўтарилиб, ороллар сув остида қолган бўларди.

Мальдив ороллари ҳукумати матбуот котиби Аҳмад Шохид шундай деди: "Архипелагнинг баъзи туманларида умуман яшаб бўлмайди. Таиланд, Ҳиндистон, Шри-Ланка каби мамлакатларнинг ҳудуди катта. Биз учун эса ер етишмаслиги катта муаммо".

Асосий даромади сайёҳлик ҳисобидан бўлган бу митти давлатнинг иқтисоди тахминан 660 миллион АҚШ долларини миқдорда зарар кўрди. Расмий маълумотларга қараганда, мажмур мамлакатда цунами туфайли 52 киши ҳалок бўлди.

Ҳиндистон армияси тўла жанговар шайлик ҳолатига келтирилди. Бунга даҳшатли цунами яна такрорланиши мумкинлиги ҳақидаги хабар сабаб бўлди. Зилзила маркази яқинида Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балл кучга эга бўлган ерости силқинишлари қайд этилди.



ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДУР

Телевизор кўриб ўтирган болакай буvasига савол беради:

— Бува, нега Ватанни асранг деяпти?

Қария неварасининг бошини силаб:

— Ватан — бу ўйинг, Ватан — бу отанг, Ватан — бу онанг.

Шунинг учун уни асраб авайлаш керак, — дейди жилмайиб.

— Бува, мен катта бўлсам, аскар бўлиб Ватанни қўриқлайман-а?

— Ҳа дўмбоғим, ўғил бола йигит бўлганда аскар бўлиб Ватанни қўриқлаши керак, Ватанни севиши керак.

Она заминимизда олти миллиардан ортиқ аҳоли яшамоқда. Улар турли минтақаларга бўлинган. Номигагина ёз бўлиб ўтадиган тундрадан тортиб, йил давоми гоҳида бир томчи ёмғир ёғмайдиган Саҳрои кабирда, атрофи чексиз уммон билан ўралган оролда, кўз илғамас ўрмонлар ўртасида, тоғу тошлардан иборат жойларда ва бошқа худудларда яшайдилар. Ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган жойни она-Ватаним деб билади ва бошқа ҳар қандай жойдан устун кўради. Киндик қони тўкилган жой инсон учун муқаддас ҳисобланади. У хоҳ гиёҳ унмайдиган саҳро, хоҳ чакалакзор ўрмон, хоҳ йил бўйи муздан иборат бўлсин, она-Ватанига садоқатли инсон уни ҳар қандай жаннатмакон жойларга алмашмайди.

Ватан ҳимояси учун хизмат қилиш ҳар бир фуқаро учун фарздор. Чунки таҳликали замонда четдан туриб пайт пойлаётган, панапанада пусиб ётган ғаламислар бор экан уларга зарба беришга доим шай турмоқ зарур. Собиқ шўролар давлати парчаланиб кетгандан сўнг мустақилликка эришган давлатларни ўз эркинликлари ва истиқлолни сақлаб қолиш учун мудофаа ишларига алоҳида эътибор бердилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳар томонлама таъминланган армия сифатида ташкил этилди. Унинг сафлари мутахассислар, тажрибали зобитлар билан тўлдирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий-ижтимоий таъминоти ҳам назардан четда қолмади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қатор тармоқ ва тизимларда, шунингдек, мудофаа ишларида ҳам ислохотлар ўтказилди. Бир қатор ривожланган мамлакатларнинг ҳарбий хизмат тизимлари фаолиятини ўрганиб, миллий армиямизнинг мустақам ва ҳар томонлама чиниққан, ҳар қандай ҳаракатларга зарба беришга қодир шахсий таркибини вужудга келтириш борасидаги режалар ижобат бўла бошлади. Эндликда йигитларимиз орасидан соғлом, эпчил, уқувли, жасурлари танлаб олиниб, бир йиллик ҳарбий хизматга қақриляпти. Йигитларимизнинг бир қисми эса сафарбарлик қақриуви заҳирасида бўладилар. Улар белгиланган муддат бўйича ҳарбий тайёрликдан ўтади. Шунингдек, муқобил хизматни ўтайдиганлар ҳам бор.

Президентимизнинг Фармонияга

кўра 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинган. Бу кун миллий армиямиз ташкил топган кун сифатида тарихга кирган. Келгуси ҳафтада нишонланадиган бу кунни она-Ватан ҳимояси учун хизмат қилган барча фуқаролар байрам қиладилар.

Ватан ҳимояси учун хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчининг нигоҳида юртимизнинг жаҳонга кўз-кўз қилса арзийдиган гўзал ва азим шаҳарлари, ҳар донасида бол томиб турган меваларга бой жаннатмакон боғлари, виқорли тоғлари, битмас-туганмас маъданларга тўла конлари, чўлларда ўсаётган гиёҳлари, бободехқонлар меҳнати ила ноз-неъматлар битаётган табаррук тупроқлари, ариқларда шарқираб оқаётган, жажжи қизалоқ ҳовучлаб ичаётган сувлари намоен бўлиши керак.

Она-Ватан учун, унинг тупроғи ганимлар оёғи остида тошталмаслиги учун жонини фидо қилган ота-боболаримиз билан фахрланамиз. Қудратли қўшин билан юртта бостириб келаётган душманни алдаб, бепоён саҳрода адаштирган Широқ, қўлига қилич олиб халқни душманга қарши чорлаб, мардлик кўрсатган Тўмарис, араб истилочиларга қарши мардона курашган Муқанна, ўзининг мардлиги ва жасурлиги билан қонхўр Чингизхонни ҳам лол этган Жалолиддин Мангуберди ва бошқалар афсонавий қаҳрамонларга айландилар. Улар она юртимизнинг ёвлар чангалига тушмаслиги, халқимизнинг босқинчиларга қул бўлиб қолмасликлари учун курашиб миллатимизнинг мардлик ва жасурлик тисолига айланганлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хабарномаларида айни кунларда ер юзида миллионлаб қочоқлар ўз ватанларидан айри жойларда бошпана излаб юргани қайд этилди. Ўз юртидан айрилишдан ортиқ мусибат бўлмаса керак. Ҳатто Аллоҳ томонидан яратилган паррандаю даррандалар ҳам инлари бузилса бутун дунёни остин-устун қилиб юборгудек ҳаракат қиладилар. Шу ўринда Ҳазрат Навоийнинг куйидаги рубоийсини эслаш кифоя:

Фурбатда ғариб шогмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Ўтган йилнинг 26 декабрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловда кўп овоз олган номзодлар депутатликка сайландилар. Депутатлар халқ вакили сифатида ҳокимият органларида фаолият олиб борадилар.

Шу ўринда бироз чекиниш қилиб, собиқ шўролар давридаги ва мустақилликка эришилган даврлардаги депутатларнинг фаолиятига бир назар солиб кўрамиз. “Депутат — халқ хизматкори” деган ибора тез-тез такрорланиб турадиган шўролар даврида депутатликка кимлар сайланишини сайловдан олдин, уларнинг қайси касбда бўлиши, миллати, мансаби, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа томонлари белгиланиб бериларди.

Натижада давлат қонунларини тўла тушуниб етмайдиган, уларга озгина бўлса-да ўзгартириш киритиш таклифини ўртага ташлай олмайдиган оддий ишчи, курувчи, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ходимлари депутатликка сайланарди. Улар фақат қонун ва қарорларни тасдиқлаш учунгина залда ўтиришга мажбур кишиларга ўхшарди. Мустақиллик йилларида сайланган депутатларимиз орасида ҳам ҳуқуқий билими саёз, мустақил равишда фикр юритиб у ёки бу масалада жиддий таклифлар кирита олмайдиганлар учради.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида”ги Қонунда сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Янги сайланган депутатларимиздан эса умидимиз катта. Халқ ишончини қозониш, ваколат муддати давомида парламентда, маҳаллий ҳокимлик-

ларда давлат ва фуқаролар манфаатлари йўлида амалга оширилиши лозим бўлган зарур қонун ва қарорларни тайёрлаш ва уни қабул қилишда фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиши учун самарали хизмат қиладилар деган умиддамиз.

Депутатнинг жамиятдаги ўрнини бир сўз билан ифода этиш мушкул, албатта. Аввало, у халқни эзгу ниятлар билан фуқароларни ўзига эргаштира олиши керак. Бу жўн туюлган сўзлар замирида жуда катта вазифа ётади. Мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш учун амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўлами жуда

фуқаролар мамнун бўлишлари мумкин. Бунинг учун эса депутат ўз устида ишлаши, энг муҳими сайловчиларга, халққа яқинроқ бўлиши, улар билан тез-тез учрашиб туриши, қалбига кулоқ тутиши керак.

Маълумки, икки палатали парламентнинг куйи палатаси депутатлари асосан қонунлар тайёрлаш билан шуғулланади. Улар доимий равишда фаолият юритиб, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларини ривожлантириш борасидаги мавжуд қонунларни қайта кўриб чиқади, лозим топилган ва тақозо этган янги қонунларни тайёрлаш борасида иш олиб боради. Бунинг учун эса аввало, халқ иродаси ҳисобга олиниши керак. Чунки

ҳар бир қонун аввало, халқ манфаатини кўзлайди. Мамлакатимиздаги мавжуд аҳволни ўрганиб, унинг келажагини ўйлаб ва

ДЕПУТАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА МАҚОМИ

катта. Шу боис қийинчиликлар ва камчиликлар бўлиши табиий. Аммо уларни ҳал этишда аввало, депутатларни ўрни алоҳида аҳамиятга молик бўлади.

Депутат ҳуқуқий демократик давлат куриш учун ҳаракатлар олиб борилаётган айни пайтда халқ вакили сифатида фаолият кўрсатар экан, у улғ кўбоз Амир Темурнинг “Куч — адолатдир” деган ўғит насихатларига амал қилиши керак. Модомики, ҳар бир масала, муаммонинг ечими қонун ва қоидалар асосида ҳал этилар экан, депутат қонун-қоидаларнинг адолатли бўлиши учун хизмат қилиши керак.

Депутат халқ вакили экан, у одамларнинг кўнглига йўл топиб, эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка даъват қила оладиган бўлиши ва мана шу хислатлари билан уларнинг юрагидан жой ола билиши лозим. Ўз ишига фидойи, маънавий жиҳатдан пок, пухта билимли, дунёқараши кенг, мамлакатимиз томонидан юритилаётган сиёсий ва ижтимоий алоқаларни яхши тушунадиган ва кишиларга тўғри тушунтириб бера оладиган депутатнинг фаолиятидан уни сайлаган

пировардида қандай натижалар беришини ҳис этган ҳолда қонунлар тайёрлаш жўн иш эмас, албатта. Лекин халқ депутатга ишондимки, уни уддалаши керак.

Депутатлик ваколати фуқароларнинг ўзлари ишониб сайлаган кишиларгагина берилади. Ваколатлик муддати эса муболаға қилиб айтганда кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Сайловчилар кўп вақт эслаб юрадиган, кейинги сайловда ҳам унинг номзодини кўрсатиб, яна ишонч билдирадиган даражада хизмат қилиши мумкин, албатта. Бу ҳар бир депутатнинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун халқ вакили Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганидек, “Одамларни олдимизда турган қийинчиликларни енгиш йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга даъват этиш, уларнинг руҳини кўтариш, уларни бошқариш, тўғри йўл кўрсатиш, бир кунлик ўткинчи ташвишлар эмас, балки эртанги кунимизни, келажақни, фарзандларимизнинг истиқболини ўйлаб янги-янги марраларга интилиб яшаш, бутун борлигимизни ана шу мақсадларга эришиш учун сафарбар қилиш зарур”.

Ислоҳотлар – амалда

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", мамлакатимиз Президентининг тегишли Фармони, республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарори талаблари асосида ИИВ Академиясида офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш бўйича ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадида ИИВ Академиясининг ички ишлар идоралари сержантлари тайёрлаш Олий курслар тўғрисида Низом қабул қилинди.

ларида камида уч йил хизмат қилган, тегишли маълумотга эга шахслар бўлиши керак.

Олий курсда ўқишни истоган фуқаро Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ нинг ҳудудий идораларига ариза билан мурожаат этади. Ариза тушганидан сўнг бир ой ичида Олий курсга ўқишга кирмоқчи бўлган номзодни ўрганиш натижалари асосида унга танловда ишти-

нинг иши қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) битирувчиларнинг касбий махсус билимларининг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги;

б) уларнинг оператив-хизмат фаолияти вазифасини тез ва профессионал жиҳатдан тўғри бажара олиши;

в) ўқув жараёнининг ўқув-услубий материаллари ва кадрлар билан таъминланганлик даражаси;

г) шахсий таркиб билан иш-

шароитни яхшилаш хусусида ва фаолиятнинг бошқа йўналишлари бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий савиясини ошириш, шахсий таркиб билан яқка тартибда олиб бориладиган тарбиявий ишларни такомиллаштириш тўғрисида буйруқ асосида ташкил этиляпти. Олий курслар шахсий таркибининг жамоат ҳаётида, маданий-маърифий ишлар ва спорт тадбирларида фаол иштирок этиши аънанага айланмоқда. Ўқув хоналари, кутубхона, спорт заллари замон талабига жавоб берадиган ҳолга келтирилмоқда.

Курсантларнинг дам олиш кунлари икки қисмга бўлиб ташкил этилмоқда. Куннинг биринчи ярми жисмоний тайёргарликка бағишланса, иккинчи ярмида курсантлар пойтахтдаги энг кўзга кўринган тарихий жойлар, маданият муассасаларига боришмоқда. Масалан, шу пайтгача улар ИИВ Академияси тарихига бағишланган музей, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейи, Тасвирий санъат музейига, табаррук зиёратгоҳларга, театрларга ташриф буюришди.

Курсантлар билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Улар, "Шайтанат" асарининг муаллифидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Истеъфодаги генерал-майор У. Раҳимов ҳам уларга ўзининг ички ишлар идораларидаги кечган хизмати хотиралари ҳақида батафсил гапириб берди.

Бундай маданий-маърифий тадбирлар курсантларнинг дунёқарашини кенгайтиради, Ватанга бўлган муҳаббатни кучайтиради, энг асосийси, пойтахтимиз Тошкентда шундай табаррук жойлар бор эканлигидан фахрланиб ўқишни тугатган курсантлар яшаш, иш-лаш жойларига борганда ўз тасассуртларини гапириб берадилар.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Олий курс ИИВнинг ихтисослашган таълим бўлинмаси бўлиб, шахсий таркибнинг юксак даражада уюшганлиги ва ички тартибга қатъий риоя этиши, намунали хулқи билан ажралиб туради.

Олий курсларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, республиканинг бошқа норматив ҳужжатлари, ИИВнинг идоравий ҳуқуқий ҳужжатлари ва юқорида номи зикр этилган Низом асосида ташкил қилинади.

Олий курснинг асосий вазифалари ички ишлар идоралари кадрларининг негизи ҳисобланган сержантлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; курсантларни кундалик хизмат фаолиятида ички ишлар идораларининг бирламчи бўлинмаларини моҳирона бошқарувини таъминлашга, мураккаб вазифаларга қисқа фурсатларда мослашишга, кескин вазиятларда тўғри қарор қабул қилинишига қаратилган юқори жанговар, ахлоқий-маънавий ва руҳий фазилатлар ва хусусиятларни ўзлаштиришга эришиш; фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини конституциявий тузум, ҳуқуқ-тартибот ва жамият хавфсизлигини виждонан ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак маданиятли, ижтимоий



ДАВР ТАЛАБИ!

тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва ўтказишдан иборатдир.

Ушбу Олий курсга ўқишга келаётган номзодларни танлаш тартиби ҳам ўзига хосдир. Яъни Олий курсларга Ўзбекистон Республикасининг ўрта-махсус ва олий маълумотга эга

роқ этиш учун рухсат бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилинади. Ўқишни муваффақият билан тугатган курсантларга Академия бошлиғи томонидан диплом, кўкрак нишони берилади. Улар албатта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг қасамёдини қабул қилишади.

Ўқиш муддати олти ой бўлиб, бугунги кунда ўқиётган курсантлар олий ва ўрта-махсус маълумотлидир. Олий курснинг биринчи қалдирғочлари ҳисобланмиш курсантлар тўртта йўналиш бўйича таълим олишмоқда. Булар патруль-пост хизмати, жазони ижро этиш ҳуқуқи, кўриқлаш хизмати ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишларидир.

Мазкур курсга ўқишга кирган курсантлар бир ой давомида Академиянинг дала лагерида жисмоний тайёргарлик ва ўқув машғулотларини ўзлаштириб, ўзларида касбий-психологик кўникма ҳосил қилиб, жисмонан чиникиб қайтиб келадилар.


Олий курсда "Махсус фанлар", "Гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар", "Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик" "Юридик фанлар" цикллари мавжуд. Ҳар бир циклдаги профессор-ўқитувчилар ўзларининг йўналиши бўйича назарий билим бериш билан бирга курсантларда амалий кўникмаларни шакллантириб боришади.

Бугунги кунда Олий курс-

лашнинг аҳволи;

д) моддий-техник база ва ижтимоий-маиший шароитнинг яхшилиги.

Ўқув жараёни амалиёт билан боғлаган ҳолда олиб борилади. Масалан, кўриқлаш хизмати Тошкент шаҳридаги кўриқлаш бўлинмаларида, жа-



жиҳатдан фаол, ҳалол, интизомли сержант ходимларни тайёрлашдан иборатдир.

Бугунги куннинг талаби курсантларда ватанпарварлик, халққа, Ватанга садоқат, ҳалоллик, қонунга ва шахсга ҳурмат, юксак даражадаги интизомлилик, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳаракат қилиш ҳиссини шакллантиришга қаратилган

бўлган, ўзининг юксак ахлоқий хислатлари ва касб маҳорати билан ажралиб турадиган, соғлигининг ҳолати бўйича ички ишлар идораларида хизмат ўташ талабларига жавоб берадиган фуқаролар қабул қилинадилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўтаган, 25 ёшгача бўлган заҳирадаги ҳарбий хизматга мажбур, шу билан бирга ички ишлар идора-

зони ижро этиш ҳуқуқи мутахассислигида ўқиётган курсантлар жазони ижро этиш муассасаларида, патруль-пост хизмати ходимлари эса туманлардаги патруль-пост хизматида амалий дарсни ўтишади.

Ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, курсантларнинг дам олиш вақтини мазмунли ташкил этиш, интизомни мустаҳкамлаш, маиший

Келажақда Олий курс олдида қандай вазифалар турибди, деган савол туғилиши табиий. Биринчидан, Олий курс ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш негизи ҳисобланади. Иккинчидан, сержантларни тайёрлайди, қайта тайёрлайди, малакасини оширишни йўлга қўяди.

Х.ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, полковник.

Хизматларда

ТУРДИХОН АЯ ПАСПОРТ ОЛДИ

Мустақилликка эришган юртимиз демократик жамият сари илдам одимламоқда. Одамларимизнинг ҳаётга, яшашга муносабати ўзгаришти. Мамлакатимизда кечаётган жараён ёшу қарини бирдек бефарқ қолдирмаяпти. Улар ўзларини шу тупрокнинг ҳақиқий эгаси деб ҳисобламоқдалар. Буни пойтахт вилояти Бўка туманида яшовчи 82 ёшли Турдихон ая мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу онахон шу вақтгача чекка бир қишлоқда истиқомат қилиб, бошидан кечирган қанча оғир даврларни – инқилобдан кейинги очарчилик, қатагон, уруш йиллари, ундан кейинги адолатсизликларни кўраркан, тузумлардан бирортасини қўлламади, яъни тузум фуқаро-

си бўлишни истамади. Бугун эса юртимиз мустақкам оёққа туриб, нуфузи, обрўси ошаётган бир пайтда дунё таниётган мамлакат фуқароси бўлишни ўзига шараф билиб, умрида илк бор Ўзбекистон фуқаролиги паспортини олди.

– Ўтган йилда беш минг нафардан ортиқ фуқаро паспортини алмаштирди, – дейди туман ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғи, майор Пардабой Бойтемиров. – Ўн олти ёшга тўлганларнинг 1.500 нафари эса фуқаролик ҳужжатиغا эга бўлдилар. Кам таъминланган 60 нафар шахсга паспортлар бепул берилди.

Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот, профилактик ишларга қарамай, бу муҳим

ҳужжатга лоқайд, бепарво муносабатда бўлаётганлар ҳам учрамоқда. Без юз нафардан ортиқ шахслар фуқаролик паспортларини йўқотиш, эҳтиётсиз муносабатда бўлиш, ҳатто айрим ҳолларда пул ўрнида гаровга бериш ҳолатлари аниқланган. Ўз фуқаролик бурчи, ҳақ-ҳуқуқини таъминловчи ушбу ҳужжатга бундай лоқайд муносабатда бўлганлар қонун олдида жавоб беришяпти.

Фуқаролар томонидан паспорт тартиботи қоидаларига амал қилиниши тез-тез текшириб бориляпти. Соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирлар давомида фуқаролиги бўлмаган 52, паспорт тартиботини бузиб яшаётган 6 нафар шахс аниқла-

ниб, уларга тегишли чоралар кўрилди. Масалан, шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган шахсларни ишга қабул қилган “Бўстон” фермер хўжалиги раҳбари маъмурий жазога тортилди.

Номаълум томонларга кетган фуқароларнинг манзилларини аниқлаш борасида ҳам мунтазам ишлар олиб борилляпти. Бунда кўшни давлатлар билан ахборотлар алмашиш яхши йўлга қўйилган қўл келмоқда.

Кези келганда фуқароларимиз ўз тинчлиги ва осойишталикларини сақлаш ўз қўлларидан эканлигини англашаётгани қувончлидир. Маҳалларда пайдо бўлаётган бегона кишиларга аввалгидек бефарқлик йўқ. Шунингдек, улар жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига яқиндан ёрдам беришга ҳамisha тайёрдирлар.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Миннатдорчилик

ХУШМУОМАЛА ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ!

Янги йил арафасида тобимиз қочиб, ИИБ Марказий госпиталининг терапия бўлимида даволанишимизга тўғри келди. Даволаниш мобайнида “Беморни шифокорнинг ширин муомаласи ҳам тузатади” деган гапнинг тўғрилигига амин бўлдим. Бизни даволаган шифокор Умрзоқ Назаров ёш бўлсада, билими, тажрибаси, шунингдек, муомаласи билан қисқа муддатда дарддан фориг бўлишимизга ёрдам берди. Навбатчи ҳамширалардан Шаҳлохон ва Барнохонлар ҳам қўллари энгиллиги, хушмуомалалиги билан бизга ёқди.

Ушбу “Сиҳат-саломатлик йили”да Умрзоқ Назаров каби ўз касбини севувчи, беморларга беминнат хизмат қилувчи, яхши гап билан дардини энгиллаштирувчи шифокорлар, Шаҳлохон, Барнохон каби қўли энгил, ширинсўз ҳамширалар кўпаяверсин. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт ва машаққатли ишларида омадлар тилаймиз ҳамда беморлар бахтига ҳамisha омон бўлсинлар деймиз.

Б. УМАРОВА,
М. МУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳри

Суратли ахборот

– Ходимларнинг нафақат касб маҳоратларини, балки маънавий дунёқарашини бойитиш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада И. В. Совецкий номли музей ходимлари билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ўринбой Турдақов.

– Музейимиз навильонларида жойлашган экспонатлар қорақалпоқ халқининг бой маданий ўтмишини акс эттириши билан бирга кишига юксак эстетик завқ бағишлайди. Ички ишлар ходимлари ҳам тез-тез ташриф буюришиб, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, тарихий кийимлари тасвирланган манзараларни кўриб шу буюк заминнинг фарзанди, посбони бўлганликларидан қалбларида фахр-ифтихор туйғуси жўш уриши сир эмас. Нукус шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари эса мазкур даргоҳнинг ишончли қўриқчиларидир, – дейди музей директори Мариника Бобаназарова.



Суратда: Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Мурод Машарипов, (ўнгда) шу бўлимнинг катта тезкор вакили, майор Қонсбой Гаррибаев ва тезкор вакил, лейтенант Алишер Жумамуратовлар музей экспонатлари билан танишмоқда.

Дурдйбой ХУДОЙШУКУРОВ.
Умирбек ЕРМАНОВ олган сурат.

АСОСИЙСИ — МЕҲНАТГА КЎНИКМА

Қашқадарё вилоятидаги подполковник Шухрат Содиқов бошлиқ бўлган жазони ижро этиш муассасаси маҳкумларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишига ихтисослашган. Бу жойда полиз, сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади. Ишлар асосан, Қамаш туманидаги Керамика, Шайхали гишт заводлари, Муборак шаҳридаги “Пресс-Тиж” кичик корхонаси, “Муборакнефтгаз” акциядорлик жамияти билан тузилган шартномалар асосида ташкиллаштирилмоқда. Маҳкумларга иш ҳақининг маълум

миқдори бериб борилади. Бундан ташқари, чилангарлик, бўёқчилик, дурадгорлик, бичиш-тикиш цехларида иш ўринлари ажратилган. Муассасада барча шароитлар мавжуд. Савдо дўкони, ошхона, кутубхона маҳкумлар хизматида. Улар яқинлари билан учрашишлари учун имкониятлар яратиш ҳам эътибордан четда қолмаган.

Энг асосийси, жазо муддатини ўташ жараёнида меҳнат билан шуғулланиш қайта тарбияда муҳим омил бўляпти.

Соҳибжамол АМИНОВА

«Диққат, темир йўл кесишмаси!»

САМАРА БЕРИШИ ШУБҲАСИЗ

Маълумки, темир йўл кесишмаларида транспорт воситаларининг поездлар билан тўқнашуви аксар ҳолларда оғир оқибатларга олиб келади. Шу сабабли йўлларнинг мазкур участкаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси ЙҲХ ходимларига катта масъулият юклайди.

Навоий вилоятида темир йўл кесишмалари кўплигини ҳисобга олсак, бу масъулият нечоғли улканлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам-касбларимиз бутун республикамиз бўйлаб ўтказилган “Диққат, темир йўл кесишмаси!” ойлик тадбирида ҳар қачонгидан ҳам фаолроқ қатнашишди. Тадбир давомида вилоятимиздаги темир йўл кесишмаларидан ўтишда 400 дан зиёд қоидабузарлик аниқланди. Қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Аммо асосий мақсад йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлик қоидаларини буйича билимларини ошириш, юз бериши мумкин бўлган қоидабузарликларнинг олдини олиш. Бу борада ҳам кўпгина ишлар қилинди. Темир йўл кесишмалари яқинида яшовчи аҳоли, автокорхоналар ҳайдовчилари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди. Темир йўл кесишмаларидан ўтиш чоғида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доир уч мингга яқин эслатма ва мурожаат-

номалар тайёрланиб, аҳоли гавжум бўладиган жойларга осиб қўйилди, корхоналар ва ҳайдовчиларга тарқатилди. Айниқса, йўловчи ташиш билан шуғулланувчилар орасида тарғибот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор берилди.

Ойлик баҳона бошқа қоидабузарлар ҳам назардан четда қолмади. Бир ярим мингга яқин тезликни меъридан оширган, тўрт мингдан зиёд светофор ҳамда чорраҳалардан ўтиш қоидаларини бузган ва яна кўплаб турли қоидабузарликлар содир этган ҳайдовчилар, пиёдалар тартибга чақирилди. Ўйлаёмизки, бўлиб ўтган ойлик келгусида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳеч шубҳасиз ўз самарасини беради.

Валижон АШУРОВ,
капитан.



HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

OLAM

Хоҳ ишонинг...

Скот Фэлэтер нима содир бўлганини тушунмасди. У ўзига келгач, қўллари ва бўйни қонга бўялиб, атрофида безовталанган полициячилар югуриб юрганини, “тез ёрдам” машинасини ва одамлар ундан нимадир сўраб билмоқчиликларини кўрди. Ёнидаги бассейнда эса суюкли хотини Ярмилланинг жасади сузиб юрарди. Терговчиларнинг жиноят жойида қўлга олинган Фэлэтер хавфли жиноятчи эканлигига ишончлари комил эди. Лекин энг даҳшатлиси шунда эдики, унинг ўзи содир қилган жиноятларидан мутлақо беҳабар бўлиб, уларнинг ҳаммасини ҳақиқий ойпараст-жиноятчи чуқур уйқудалигида содир этганди. Унинг қўшниси бақир-чақирдан уйғониб кетиб, девор орқасидан қўшниси Фэлэтер қонга булганган хотинининг жасадини бассейнга судраб келиб, сувга отиб юборганини кўрганлигини айтиб берди.



рункасига тўрт кеча аппарат ёрдамида текширишди. Аммо натижалар қарама-қарши бўлиб, у ойпарастлик касалига чалинганми ёки йўқми деган саволга аниқ жавоб олинмади. Скотт қотилликдан олдин ва жиноятдан кейин бир қатор мантиқан асосли хатти-ҳаракатлар қилган эди. Аввал гаражга боради, у ерда қўлларига қўлпоқ кияди, қотилликдан кейин қон юқили кийимларини яшириб, тоза кийим кияди. Энг шубҳаланарлиси, воқеа анча узоқ давом этади. У хотинини ўлдириш учун 50 дақиқа уринади. Ваҳоланки, ойпарастлик ҳолати ўзоғи билан ярим соат давом этиши керак.

Химоячилар шунга қарамай Фэлэтер онгсиз равишда ҳаракат қилган, дейишди. Масалан, у қон теккан кийимларини яширишга урингани ҳолда қўллари ва бўйнидаги қон юқини ювиб ташлашни ҳаёлига келтирмаган. Мурдани эса ҳаммага кўринарли жойда – бассейн ичида қолдиради. Жиноят изларини бутунлай йўқотиш ўрнига, тоза кийимлар кийиб, ухлагани ётади. Скотт ойпарастларга хос мантиқ асосида ҳаракат қилади. Олимлар бунини уйқуда маст бўлиш ҳолати деб аташади. Бир ярим соатгача давом этадиган бундай ҳолатдаги киши анча мураккаб ишларни бажара олиши мумкин. Фэлэтер ҳам қотилликдан сўнг пичоқ ва қўлпоқларни яна жой-жойига қўйиб ухлагани ётади. Полиция келиб уйғотганида эса кечаси нималар қилганини умуман эслолмаган.

Суд жараёни бир ой давом этди. Маслаҳатчилар ҳайъати саккиз соат ўзаро маслаҳатлашиб Скотт Фэлэтерни айбдор деб топишди. Бунда судланувчи хотинининг ўлиmidан қаттиқ қайғурмагани, унинг мурдасини бассейндан топишганида ҳеч ҳам таъсирланмагани ҳал қилувчи роль ўйнади. Ҳозирда у панжара ортида ўтириб, ишни қайта кўриб чиқишларини талаб қилмапти. Тез орада бу талаб қондирилади. Чунки ойпарастлик, унинг оқибатлари ҳақида янгидан-янги маълумотлар аниқланмоқда.

Яқинда ҳарбий хизматга қақририлган ёш аскар ойпарастликка чалинган бўлса, хавфли шахсга айланади. Янгича шартшароит, қатъий тартиб-интизом, ўта талабчанлик унинг касаллиги кучайишига сабаб бўлади. Руҳан безовта ойпараст кечаси ётоқхонадан чиқиб, соқчининг қуролини тортиб олиб, то уйғонгунича дуч келган кишини отиб ташлаши мумкин. Кейин эса нима қилганини кўриб қочиб кетиши ёки ўз жонига қасд қилиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун авваламбор, чақирув комиссиялари аъзолари бўлган шифокорлар, руҳшўнослар бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим.

ОЙПАРАСТ ВУЖУДИДАГИ ВАҲШИЙ МАХЛУҚ

Тергов шуни кўрсатдики, Ярмилланинг танасида ов пичоғи зарбидан қолган 44 та жароҳат бор эди. Қидирув натижасида гаражга ташланган пичоқ ва Ярмиллани эри ўлдирганидан далолат берувчи яна кўплаб далиллар топилди. Ушбу жиноят ишида оқловчилар Скоттни барча жиноятларини сомнамбулизм (ойпарастлик, уйқу) ҳолатида – сирли кучлар таъсири остида бажарганлиги туфайли ўз қилмишлари учун жавобгар эмаслигини таъкидлаб, уни оқлашни сўрашди. Ахир, Скоттни кўни-кўшнилар бошқаларга ўрناق бўла оладиган, ўз хотинини севувчи меҳрибон эр деб билишар эди-да.

Албатта, бу одил суд дуч келган одатий ойпарастликдан фарқ қилувчи гаприоддий ҳолатларнинг биринчиси эмасди. Агарда ойпараст болаларда бу ҳолат уйқунинг бузилиши деб қаралиб, улар тушларида уйларини айланиб чиқиб, кейин уйғониб кетсалар, катталарда бу ҳолат анча жиддий ҳисобланади. Улар фаройиб ишлар қилиши мумкин. Айримлар уйқу ҳолатида томга чиқади, автоуловга ўтириб қаёққадир йўл олади. Баъзилар уйқусида кучли бўлиб кетади. Масалан, англиялик бир киши кечаси туриб, кўчага чиқиб уйлари олдида турган машиналарни бир ўзи ҳар ёққа суриб ташлаган. Айримлар эса тугаллай олмаган ёки янги режалаштирган ишларини уйқуларидан давом эттирадilar.

Фэлэтернинг химоячилари ана шу сўнгги ҳолатдан келиб чиқиб, уларнинг изоҳлашларича, Фэлэтер кун бўйи бассейн насосини тузатишга беҳуда уринган. Кечаси уйқусида яна шу ишни давом эттир-

ган. Шунинг учун қўлида пичоқ бўлган. Ярмилла уйғониб, эрим ярим тунда нима қилаяпти экан деб ташқари чиққан. Ана шунда машъум хатога йўл қўйган. Шифокорлар тили билан айтганда, Фэлэтерни тунги даҳшат ҳолатига солган. У ойпарастларни эҳтиёткорлик билан уйғотиш лозимлигини билмаган.

Назарий қарашларга кўра, тунги агрессия ойпарастларни тез уйғотганда юз беради. Қаттиқ кўриқ кетган ойпараст бақириб, урушиб, атрофдагиларни итариб юборади. Унда галлюцинация бошланади, шунда ойпараст ўзининг яқин қариндошини уйга бостириб кирган босқинчи, кўпоровчи деб ўйлаб, ундан ўзини ҳар қандай мавжуд йўл билан химоя қила бошлайди. Агарда қочиб кетмасангиз, сизни ўлдиради. Шунинг учун ҳам ойпарастларнинг ҳар қандай руҳий кўзғалиши, безовта бўлиши атрофдагилар учун катта хавф тугдириши мумкин. Афсуски, Фэлэтер кўзгалган вақтда қўлида пичоқ бор эди.

Энг машҳур ойпараст қотил Роберт Ледру ҳисобланади. Бир куни париждик бу изкувар асабларини даволаш ва бир йўла маҳаллий изкуварларга ёрдам бериш учун курортга йўл олади. Кунларнинг бирида эрталаб уни пляжга – париждик бир тадбиркорни отиб кетишган жиноят жойига чақирди. Ўликнинг ёнидан Ледру отилган гильза ва товон изини топади. Яхшилаб назар солгач, бармоқ изи ўзиники билан бир хил эканлигини аниқлайди, аммо ишонгиси келмайди. У адашиши мумкин эмасди, чунки Ледрунинг бир бармоғи йўқ эди. У дарҳол уйғонгач, пайпоқларидан қум изи қолганини,

уларни кечаси пляжда сайр қилиб келиши учун кийганини эслайди. У ўз тўппончасини текшириб кўриб, ундан яқинда ўқ отилганини аниқлайди. Кейин гильзаларни солиштириб кўради. Ҳаммаси мос келарди. Шундай қилиб, Роберт ўзи содир қилган қотилликни очиб беришга муваффақ бўлади ва ўз хоҳиши билан айбини тан олади. Дастлаб ҳамкасблари буларнинг ҳаммаси ишда толиққанининг натижаси деб ўйлаб, унга ишонмайди.

– Қотил ва барча далиллар бор, аммо жиноят учун асос этишмайди, чунки Андре Монени мен ўлдирганман, – дейди Ледру. Уни атрофдагиларга хавфли бўлгани учун бутун умр қулфланган хоналарда ухлаши шарт билан оқлашади.

1992 йил Аризонада Стивен Стайнбергни ошхона пичоғи билан хотини Еленани ўлдиргани учун судлашади. Психиатр Мартин Блендер Стивен жиддий уйқу бузилиши касаллигига чалинганини ва бу ишни хуши ўзида бўлмаган ҳолда содир этганлигини исботлаб беради. Суд маслаҳатчилари Стивенни айбсиз деб топиб, озодликка чиқаришади. Яна бир шундай “жиноятчи” Кен Паркс машинага ўтириб, хотинининг ота-онасиникига келиб, қайночасини бўғиб ўлдирди, қайночасини эса сўйиб ташлайди.

Унинг қилмишини психиатрлар, психологлар ва уйқу бўйича мутахассислар гуруҳи ўрганиб, Паркс чуқур сомнамбулизм (ойпарастлик) ҳолатида бўлган деган яқдил хулосага келишади. Парксга унинг касаллик тарихи ёрдам беради.

Кенни оқлаган экспертларни Фэлэтер устидан олиб борилган судда гувоҳлик бериш-

га чақирдишади. Фэлэтернинг опаси 20 йил аввал укаси кечаси уйқусида уйдан чиқиши учун ўрнидан туриб эшик томон юрганини эслайди. У ўшанда укасини чақирганида, Фэлэтер ҳатто қайрилиб ҳам қарамагани. Шунда опаси югуриб бориб эшикни қулфлаб қўяди. Фэлэтер бунини кўриб тўсатдан унга ташланиб, хона бўйлаб судраб юради. Унинг қиёфаси ваҳшиёна тус олган эди. Лекин эрталаб ҳеч нарсани эслолмади.

Шифокорларнинг айтишича, катталарда ойпарастлик спиртли ичимликлар, кофеин, уйқусизликка қарши тиббий дориларни кўп миқдорда истеъмол қилиш натижасида юзага келиши мумкин. Фэлэтер бирваракайига бир неча омиллар таъсири остида бўлган. У одатда кечаси алламахалгача ишлаб, эрталаб яна ишга кетарди. Уйқусизликка қарши курашиш учун эса кофеин ҳапдориларини истеъмол қиларди.

Ҳозирда кишининг ойпарастликка майли борлигини аниқловчи махсус аппарат ҳам ўйлаб топилган. Маълумки, уйқу икки босқичдан иборат. Юзаки уйқу чуқур уйқу билан алмашилади ва аксинча. Юзаки уйқуда биз ухлаб, туш кўра-миз. Аммо ҳаракатлана олмай-миз. Чуқур уйқу эса ҳеч қандай тушларсиз кечади, лекин уйқудаги киши ҳаракатлана олади. Ойпарастлик ана шу икки ҳолатнинг ўртаси ҳисобланади.

Меъёрида чуқур ухлаётган кишининг мияси бир текис тўлқинлар тарқатади, ойпарастлар бир кечада 30 марта чуқур уйқу босқичига кириб-чиқадилар. Киши ойпарастлик ҳолатига тушганида эса синхрон тўлқинлар тарқата бошлайди.

Фэлэтернинг миясини су-



BOLALAR SAHIIFASI



Kunlardan bir kun...

YO'LDAN TOPILGAN PUL

– Botir, nonush-tangni tezroq qilib, maktabga borgin, – tayinladi o'g'liga ishga ketayotgan Zamira opa. – Darsdan kech qolmagin. Maktabdan qaytgach, uy vazifalarini bajarib, kitobingni o'qib o'tir.

– Xo'p, oyi. Siz ham yaxshi borib keling.

Nonushta qilgisi kelmagan Botir oyisi chiqib ketgach, darhol sumkasini qo'liga olib, maktabga otlandi. U eshikni qulflayotgan edi, o'rtog'i Ahmadjon kelib qoldi.

Ikkovlari pod'ezd eshigidan chiqib, bir necha qadam yurgan edilarki, Botirning ko'zi dastro'molchaga o'ralib, yerda yotgan narsaga tushdi. U shoshilib, uni oldi.

– Nima ekan, ko'raychi? – qiziqdi Ahmadjon. – Ie, pulku? Kimdir tushirib qo'yibdi-da?

– Topgan-topoloqni-ki, – Botir anchagina pulni sanamay, cho'ntagiga soldi. – Ketdik, birortasi qidirib kelib qolmasin.

Ikki o'rtoq maktab tomon chopib ketishdi.

– Pulga meni ham sherik qilasan-a? – yugurib ketayotib Botirdan so'radi Ahmadjon.

– Ha, lekin u haqda bировga aytma!

Ikki o'rtoq darslar tugaguncha arang chidashdi. Oxirgi qo'ng'iroq chalinishi bilan, maktabdan sal naridagi somsaxonaga kirib, maza qilib to'ygularicha somsa yeyishdi, turli shirin ichimliklar ichishdi. Keyin kompyuter xonasiga borib, rosa o'ynashdi.

Botir uyga qaytib, oyisini ko'rdi. U negadir xomush, ishdan ham ertaroq kelgandi.

– Qayerlarda yuribsan? Yuvinib, kiyimla-

ringni almashtirgin-da, ovqatingni ye, – dedi u Botirga.

Botir onasi oldiga qo'ygan kosaga qoshiq solib:

– Oyi, sho'rvangizning go'shti yo'q-ku? – dedi norozi ohangda.

– Ertalab ishga ketayotib, adang go'sht sotib olish uchun bergan pulni qayerdadir tushirib qo'yibman, – dedi oyisi. – Uygacha qidirib kelib, topolmadim. Shuning uchun go'shtsiz ovqat qildim...

Botirning qo'lidagi qoshiq tushib ketdi. U boshini egganicha, oyisiga qarashga uyalib, xijolat bo'lib qoldi. Chunki u oyisi yo'qotgan pulni topib olib, uni o'rtog'i bilan birga ishlatib yuborganini tushungan edi.

Rustambek ERKINJONOV,
Toshkentdagi 247-maktabning
5-sinf o'quvchisi.




TEZ AYTISH

олиш шarti билан 40000 сўмга пуллаб юборади.

Орадан озгина фурсат ўтгач, ички ишлар ходимлари холислар иштирокида омборхонани текшириб полиэтилен парчасига ўралган гиёҳвандлик воситасини далилий ашё сифатида олиб кетишади.

Яна бир "қахрамон"имиз Фуломжон Йўлдошев Бекобод шаҳрида яшаб келган. 1966 йил туғилган, муқаддам судланган — бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Қамоққа олинганга қадар Бекобод шаҳрида сувоқчи-бўёқчи бўлиб ишлаган.

У суд мажлисида ўз айбига иқдор бўлиб куйидагиларни гапириб берди. У 2003 йил ноябрь ойидан бери героин гиёҳвандлик моддасини ҳидлаш йўли билан истеъмол қилиб,

қорадорини лўли миллатига мансуб нотаниш аёлдан сотиб олиб юради. 2004 йил 21 февраль куни ишдан кейин кўчада кетаётганида эски таниши Маҳмуд Аҳмедовни кўриб қолади. У "героин топишнинг иложи борми?" деб сўраганида, Маҳмуд икки кундан сўнг кеч соат 19.00 да уйга ўтишини айтади. Келишилган вақтда борганида Маҳмуд унга газета парчасига ўралган героинни пулини кейин бериш шarti билан бериб юборади. У героин воситасини олиб уйига қайтиш учун истироҳат боғи томон йўл олганида ички ишлар ходимлари холислар иштирокида пальтосининг ўнг чўнтагидан гиёҳвандлик воситасини далилий ашё сифатида олишади. Унинг оғирлиги 11 грамми ташкил қилади. Фуломжон Йўлдошев айбига иқдор бўлиб,

қилган ишидан пушаймон эканлигини айтиб, суддан афв сўрайди.

Бундай қараганда, уларнинг аянчли аҳволига, қаровсиз қолаётган оиласига, болаларига ачинасан. Лекин шу ўринда ҳаққоний савол туғилади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам аввал судланган. Нима сабабдан аввалги суд ҳукмидан тўғри хулоса чиқариб олмади, тавбасига таянмади? Ахир, улар 30-40 ёшни уриб қўйган, оқ-қорани танийдиган, навқирон ёшдаги йигитлар-ку. Наҳотки, қилаётган ишлари жамият учун хавфли жиноят эканлигини тушунишмаган бўлса?!

Суд ҳукми билан Маҳмуд Аҳмедов 10 йил, Фуломжон Йўлдошев 4 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда қорадори олди-сотдиси билан шуғулланаётган бу кимсаларнинг жиноий қилмишлари фош этилишида Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари катта ҳисса қўшганликларини айтиб ўтишни лозим деб топдик.

Одамни гафлат босмасин. Оғу балоси ўз комига тортдими, ундан қутилиш қийин. Бундан ҳар бир фуқаро огоҳ бўлиши, тўғри хулоса чиқариб олиши керак деб ўйлаймиз.

Акс ҳолда... Афсуски, суд амалиётида ана шундай ҳолатлар тез-тез учрамоқда.

Фарҳод МАМАДРИЗАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьяси.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,
журналист.

АРЗОН МОЛНИНГ СИРИ БЎЛАДИ

Игор асли гулистонлик. Ота-онаси ажрашгач, онаси билан дам бувисиникида, дам холасиникида кўним топмай яшаб келишди. Ниҳоят Янгиер шаҳрига муқим жойлашишди. Ана шу кўчкўч даврида Игор майда ўғриликларга кўл ураб, то эгаси нарчаси йўқолганини билгунча, улар анча узокда бўлишарди. Бу ёш Игорга қилган ишидан пушаймонлик у ёқда турсин жазосизлик ҳиссини уйғотарди.

Илк марта 1998 йилда қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Афсуски, панжара орти-

да ўтган вақт уни ҳеч нарсага ўргатмади. Озодликда кўп бўлмай эски "хунари" учун яна қамалди. Аммо Игорнинг эгри кўнгли, қинғир кўлини тўғрилаш учун бу жазолар кифоя қилмади. Озодлик ҳавосини сипқоришга улгурмай тагин қатор-қатор ўғриликларга кўл урди. Энди унга хавфли жиноятчи тамғаси босилди. Аввал якка ўзи хонадонларни "тозалаб" юрган бўлса, кейинчалик 1978 йилда туғилган Валерий, 1982 йилда туғилган Станиславлардан иборат жиноий гуруҳ тузди. Улар оддий идиш-товокдан тортиб озиқ-овқат маҳсулотларигача ўмаришарди. Газ

плиталари, мўри қувурлари ҳам уларнинг назаридан четда қолмаган.

Игор бошчилик қилган гуруҳ ўтган 2004 йилнинг февралидан май ойига қадар фуқаролар М. Гаврилованинг 150.000, С. Тренингнинг 60.000, А. Локомкиннинг 125.000, А. Лакомникнинг 165.000 сўмлик мол-мулкни ўмариб, арзон нархларда дуч келган шахсларга сотиб юборишган.

— Ўғирланган молларнинг айримлари тергов давомида топилиб, ўз эгаларига қайтарилди — дейди Янгиер шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, капитан Р. Аҳмедов. — Шу ўринда арзон-гаров нарсаларни сотиб олаётган шахслар бу кимларнингдир йиллаб, емай-ичмай йиғган пуллари, меҳнати, пешона тери эвазига олинган нарчаси бўлиши мумкинлигини бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ҚАЛТИС ҚАДАМ

М. Тожимурод 1951 йилда Андижон вилояти Қорасув шаҳрида туғилган. Икки фарзанднинг отаси. Муқаддам тўрт марта судланган.

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унга оилавий муҳит, дунёқароши, ички кечинмалар сабаб бўлади. Инсон бошидан нималарни кечирмайди, дейсиз. Бир марта қоқилгач, кейинги қадамини ўйлаб босади. Аммо жиноят устига жиноят содир этиб, ўзи умрини панжара ортида ўтказишга одатланган кимсаларни қандай тушуниш мумкин?

Тожимурод бир эмас, тўрт марта судланган. Жами ўн етти йилга озодликдан маҳрум этилган бўлишига қарамай, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Унинг учун ҳаёт ноҳўя қадамлардан иборатдек бўлиб қолди. Ҳамма қатори меҳнат қилиш, ҳаётдан завқланиб яшашга интилмади. Натижада бешинчи марта судланди.

Бу гал у Қирғизистон Республикаси Қорасув тумани адирлик-

ларида ўсаётган наша ўсимлигига кўз тутди. Бунинг учун Андижон вилояти божхона бошқармасига қарашли "Кесканёр" божхона маскани ўрамадаги назорат ўрнатилмаган ҳудудлардан йўл топди. Наша ўсимлигини офтобда қуритиб, қайта ишлади. Кечалари қабристонларда тунаб қолди. Унинг мақсади мўмай даромад орттириш эди. Афсуски, ўзгаларнинг умрига зомин бўлувчи гиёҳвандлик моддаси билан шуғулланиш оғир жиноят эканлигини вақтида англаб етмади. Англаб етганида эса ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек битади, деб ўйлади. Аммо у бир нарса — қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг нақадар синчков ва ўз вазифасига масъулиятли эканлигини тан олгиси келмаган эди. Шундай қилиб М. Тожимурод 0.15 грамм героин, 1,60 грамм гашиш ҳамда 37,10 грамм марихуана гиёҳвандлик моддалари билан қўлга олинди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

«Истеъдод» танловига

Эрталаб қабристон қоровули Қодир бобо уйига кетаётиб, қабрга суяниб ўтирган ёшгина қизга кўзи тушди. "Қизим, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?" — дея унга яқинлашди бобо. Қиз жавоб бермади, у жонсиз эди...

Ўлик кўриб бундай аянчли аҳволга тушмаган Қодир бобо бироз эсанкираб қолди. Сўнгра шошилганича профилактика инспекторига хабар қилди. Зудлик билан воқеа жойига етиб келган прокуратура ҳамда ички ишлар ходимлари аёлнинг шахсини аниқлашга киришишди. Ўн етти-ўн саккиз ёшлар атрофида бўлган бу қиз жуда чиройли бўлиб, оддийгина кийинганди. Ёнидан ҳамёнидан бошқа ҳеч нарса топилмади. Шу пайт қабристонга йиғилганлардан бири "Ие, бу Лобар-ку!", деб юборди. Жиноят қидирув гуруҳи раҳбари, капитан Норметов прокурорнинг кўрсатмасига асосан жасадни суд тиббий экспертизасига жўнатди. Ҳали ўн гулдандан бир гули очилмаган бу қиз қабристонга нима мақсадда келиб қолди? Норметов вақтни бой бермай жасадни таниган йигитдан Лобар ҳақида бафуржа сўраб суриштирди.

Лобарнинг сирли ўлими капитан Норметовни жиддий ўйлантириб қўйди. У ҳақида ҳамқишлоқлари илиқ фикрлар билдиришди. Турмуш ўртоғи ҳам кўринишдан жуда меҳрибон йигитга ўхшар, ундан гумонсирашга асос йўқ эди. Ундай бўлса Лобар нега ўз жонига қасд қилди? Суд тиббий экспертизасининг хулосаларига кўра, Лобар кўп миқдорда уйку дори истеъмом қилиб, захарланиб ўлган. Нега у шундай қилган? Жиноятнинг туб илдири қиёраси? Капитан Норметов бўлим бошлиғи, полковник Собир Ражабов билан маслаҳатлашиб, жиноятнинг ечимини Лобарнинг ўқиш жойидан излаб топилган аҳд қилди. У эрталаб Лобарнинг онасиникига келди.

— Қизингиз қайси коллежда ўқиётганини айтсангиз? — деди капитан онаизорнинг дардини янгилаётганидан ачиниб. — Биламан, қизингизни эслатиш жуда оғир. Аммо бизни ҳам тушунинг. Лобарнинг ўлимида кимнингдир қўли борга ўхшайди.

— Билмасам, — деди Мадина опа тинмай оқаяётган кўз ёшларини рўмолчаси

билан артаркан, — у жуда беозор қиз эди. Бировнинг дилини оғритишига ҳечам ишонмайман.

— Қайси коллежда ўқиганлигини эслайсизми? — саволини яна бир бор такрорлади капитан.

— У иқтисодиёт коллежига ўқишга кирганлигини айтганди. Ҳар ҳафта келиб, у -бу нарсалар ташлаб кетарди.

— Пул ҳам-ми? — қизиқсиниб сўради Норметов.

— Ҳа, пул ҳам бериб кетарди. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаб топган экан.

Капитан Норметов иқтисодиёт коллежидан Лобарни суриштириб кўрди. Аммо коллеждагилар уни танимаслигини айтишди. Капитаннинг боши қотди. У қаерда

келиб бериб турган?..

Кечқурун уйига чарчаб келган капитан Қосимжон Норметов ўтирган жойида ухлаб қолди. Мана бир неча кундан буён Нигоранинг ҳам хаёллари паришон. Қосимжон акаси ҳар куни уйига ярим тунда қайтади. Баъзан келмай қолади. Фарзандлари ҳам отасини кутукта ухлаб қолишади. Қосимжон ҳар гал Нигоранинг саволларига "ишим шунақига", дея қисқаб бериб қўяқоларди.

— Ҳа, пул ҳам бериб кетарди. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаб топган экан.

Капитан Норметов иқтисодиёт коллежидан Лобарни суриштириб кўрди. Аммо коллеждагилар уни танимаслигини айтишди. Капитаннинг боши қотди. У қаерда

келиб бериб турган?..

Кечқурун уйига чарчаб келган капитан Қосимжон Норметов ўтирган жойида ухлаб қолди. Мана бир неча кундан буён Нигоранинг ҳам хаёллари паришон. Қосимжон акаси ҳар куни уйига ярим тунда қайтади. Баъзан келмай қолади. Фарзандлари ҳам отасини кутукта ухлаб қолишади. Қосимжон ҳар гал Нигоранинг саволларига "ишим шунақига", дея қисқаб бериб қўяқоларди.

— Ҳа, пул ҳам бериб кетарди. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаб топган экан.

Капитан Норметов иқтисодиёт коллежидан Лобарни суриштириб кўрди. Аммо коллеждагилар уни танимаслигини айтишди. Капитаннинг боши қотди. У қаерда

келиб бериб турган?..

Кечқурун уйига чарчаб келган капитан Қосимжон Норметов ўтирган жойида ухлаб қолди. Мана бир неча кундан буён Нигоранинг ҳам хаёллари паришон. Қосимжон акаси ҳар куни уйига ярим тунда қайтади. Баъзан келмай қолади. Фарзандлари ҳам отасини кутукта ухлаб қолишади. Қосимжон ҳар гал Нигоранинг саволларига "ишим шунақига", дея қисқаб бериб қўяқоларди.

— Ҳа, пул ҳам бериб кетарди. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаб топган экан.

Капитан Норметов иқтисодиёт коллежидан Лобарни суриштириб кўрди. Аммо коллеждагилар уни танимаслигини айтишди. Капитаннинг боши қотди. У қаерда

келиб бериб турган?..

Кечқурун уйига чарчаб келган капитан Қосимжон Норметов ўтирган жойида ухлаб қолди. Мана бир неча кундан буён Нигоранинг ҳам хаёллари паришон. Қосимжон акаси ҳар куни уйига ярим тунда қайтади. Баъзан келмай қолади. Фарзандлари ҳам отасини кутукта ухлаб қолишади. Қосимжон ҳар гал Нигоранинг саволларига "ишим шунақига", дея қисқаб бериб қўяқоларди.

— Ҳа, пул ҳам бериб кетарди. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаб топган экан.

Капитан Норметов иқтисодиёт коллежидан Лобарни суриштириб кўрди. Аммо коллеждагилар уни танимаслигини айтишди. Капитаннинг боши қотди. У қаерда

келиб бериб турган?..

Кечқурун уйига чарчаб келган капитан Қосимжон Норметов ўтирган жойида ухлаб қолди. Мана бир неча кундан буён Нигоранинг ҳам хаёллари паришон. Қосимжон акаси ҳар куни уйига ярим тунда қайтади. Баъзан келмай қолади. Фарзандлари ҳам отасини кутукта ухлаб қолишади. Қосимжон ҳар гал Нигоранинг саволларига "ишим шунақига", дея қисқаб бериб қўяқоларди.

— Ҳа, пул ҳам бериб кетарди. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаб топган экан.

Капитан Норметов иқтисодиёт коллежидан Лобарни суриштириб кўрди. Аммо коллеждагилар уни танимаслигини айтишди. Капитаннинг боши қотди. У қаерда

келиб бериб турган?..

Кечқурун уйига чарчаб келган капитан Қосимжон Норметов ўтирган жойида ухлаб қолди. Мана бир неча кундан буён Нигоранинг ҳам хаёллари паришон. Қосимжон акаси ҳар куни уйига ярим тунда қайтади. Баъзан келмай қолади. Фарзандлари ҳам отасини кутукта ухлаб қолишади. Қосимжон ҳар гал Нигоранинг саволларига "ишим шунақига", дея қисқаб бериб қўяқоларди.

— Ҳа, пул ҳам бериб кетарди. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаб топган экан.

ухлолмай чиқди. Эрталаб нонушта тайёрлаётган хотинининг паришонхотирлигини сезган Қосимжон ҳазиллашди:

— Хотин, ўзингмисан? Бир кечада бошқа аёлга айланиб қолибсанми?

Юраги тўлиб Нигора йиғлаб юборди.

— Ҳа, бизлар шунақамиз! Энди бола-чақали бўлиб, уй-рўзғор ишлари билан ўзимизга қаролмасак. Ҳар куни чиройли қизларни кўриб тургач, биз ўзгариб қоламиз-да!

Қосимжон ҳайрон бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, хотинининг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

— Бизнинг ишни ўзинг биласан-ку.

— Ҳа, биламиз! Илгари чўнтагингизда чиройли қиз-

тан сотувчи аёлга юзланиб. — Унинг яқинларини ҳам биларсиз?

— Йўқ, — кескин жавоб берди у. — Яхшиси Мардон акадан сўранг. У мана шу дўконнинг хўжайини. Лобарни ҳам ўзи ишга олган.

Капитан Норметов Мардон аканинг уйига борди.

— Сафарга кетганди, — деди ўзини Мардон аканинг турмуш ўртоғи деб таништирган аёл. — Ўзингиз ким бўласиз?

— Дўстиман, — деди капитан Норметов. — Уларда зарур ишим бор эди.

Норметов яна Мадина опадан Мардон ака ҳақида сўраб-суриштира бошлади.

— У киши раҳматлик хўжайинининг яқин дўсти. Уйимизда кўп меҳмон бўлган. Лобар қизимнинг тўйига ҳам ўзи бош-қош бўлди.

— Сизга оғир ботмасин-у қизингиз коллежда ўқимасдан ўша кишининг дўконига ишлаган экан, — деди капитан.

Мадина опа бу гапни эшитди-ю, ҳайрон бўлганича ўтириб қолди.

Орадан уч кун ўтгач, у Мардон акани иш жойидан топди ва ундан Лобарни сўради.

— Нима десам экан, ажойиб қиз. Тўйдан кейин негадир ишга келмади.

— Нега келмаган экан? — айёррона сўроққа тутди капитан.

— Кўп одам яхшилиқни билмайди, — дея тутоқиб кетди Мардон ака. — Уни ишга жойладим. Ёрдам бердим. Мана оқибати.

— Оқибати нима бўлди?

— Менинг устимга сизни юборибди-ку!

— Ака, — деди капитан босиқлик билан, — бундан уч кун аввал қабристондан Лобарнинг ўлиги топилди.

— Бунда менинг айбим йўқ, — деди Мардон ака безовталанганча.

— Лобар ҳамма гапни онасига айтиб берган экан.

Капитан Норметовнинг бу гапини эшитган Мардон ака бир сесканиб тушди-ю, яна ўзини қўлга олди.

— Нима гапни онасига айтибди? Балки менга тухмат қилгандир!

Бу суҳбатдан бирор наф чиқмагач, капитан Норметов ички ишлар бўлимига келди. Ҳақиқатдан ҳам уни айблашга асос йўқ, дея ўзича пичирлади капитан. Лекин Лобарнинг ўлимида қўли борлиги аниқ.

(Давоми бор.)

Худойберган ЖАББОРОВ.



Детектив ҳикоя

ўқиши мумкин? Балки ҳеч қаерда ўқимагандир? У шундай хаёлларга берилса-да, шаҳардаги барча коллежларни айланиб чиқди. Лекин Лобарнинг исм-фамилияси ҳеч бирида йўқ эди. Ҳатто унинг суратини кўрсатиш ҳам фойда бермади. Капитаннинг ҳафсаласи пир бўлди. Демак, Лобар ҳеч қаерда ўқимаган. Хўш ундай бўлса, Лобар пулни онасига қаердан олиб

ра Қосимжонни уйғотиб, ичкарига кириб ётишини тайинлади-да, ўзи хонани йиғиштира бошлади. Бирдан эрининг костюми ёнидан ёшгина қизнинг сурати тушиб ётганини кўриб қолди. Нигоранинг юраги ҳап-риқиб кетди. "Вой-й, наҳотки, Қосимжон акам шундай ишлар билан шугулланиб юрган бўлса? Ўзгариб юрганларининг ҳам боиси шумикин?!" Нигора шу куни

ларнинг сурати юрмасди. Энди эса... — Нигоранинг гапи оғизда қолди.

— Эй-й, шунга рашк ўтида ёнаёпсанми? Ахир бу яқиндагина ўзини-ўзи ўлдирган қизнинг сурати-ку!

— Вой-й, деди Нигора бўшашиб, — жуда чиройли қиз экан. Суратини яна бир кўрай?

Суратга синчиков назар ташлаган Нигора:

— Товба, атир-упа дўкони сотувчиси Лобархонга жуда ўхшаркан-а, — деди.

Қосимжон чой ичаётган пиёласини стол устига қўйиб, шоша-пиша сўрай бошлади:

— Нима дединг? Лобар дедингми? Қаерда? Қайси дўконда сотувчи?

— Вой-й, намунча шошасиз! Ҳув анави ердаги дўконда ишларди, — деди Нигора катта йўл томонни кўрсатиб.

— Агар гапинг рост бўлса, бир кун болаларинг билан шаҳарни айлантираман.

Капитан Норметов тезда атир-упа дўконига етиб келди ва у ердагилардан Лобарни суриштирди. Сотувчилар унинг бу ерда бир йилдан бери ишлаётганини, аммо бир ойдирки кўринмаётганини айтишди.

— Лобарни кўпдан бери таниркансиз, — деди капи-



Тадбир

«ЖАР»ДА
БАЙРАМ

Республика ИИБ «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида Ички ишлар вазирлиги ходимлари ҳамда хизмат пайтида мардларча ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари учун Арча байрами уюштирилди.

Уни республика ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, полковник Н. Расулов кириш сўзи билан очиб, болажонларни ҳамда йиғилганларни Янги йил билан қутлади.

Шундан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, тадбирнинг бош режиссёри Анвар Азимов саҳналаштирган театрлаштирилган томошалар бошланди. Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз кампир ва бошқа эртак қаҳрамонларининг чиқишлари кичкинтойларга олам-олам қувонч бағишлади. Энг эътиборлиси, сценарий томошаларда болажонлар ҳам бевосита эртак қаҳрамонлари билан биргаликда шеър, кўшиқ ижро этишлари теваракатрофга бефарқ бўлмаслик, ўзини-ўзи бошқаришни шакллантириш ғояларини тарғиб қилишга асосланиб ёзилган.

Шу куни болажонлар арча атрофида дилдан яйрашди, Қорбобо ва Қорқиз уларга совғалар улашди.

Ўз мухбиримиз.



Назм

УНУТМА

Йўлимга қарама, майлига, кутма,
Соғиниб ўртанма, аламлар ютма.
Хат ёзма, кўнғироқ қилма, розиман,
Фақат унутмагин, мени унутма.

Оғир кетаётган карвонни ўйла,
Юлдузга қўйилган нарвонни ўйла,
Ҳар замон ишқ отлиғ армонни ўйла,
Фақат унутмагин, мени унутма.

Мангу ёниб турсин иқбол юлдузинг,
Кўнглингни тўлдирсин қолдирган изинг,
Бўғзингга тиқилиб қолмасин сўзинг,
Фақат унутмагин, мени унутма.

Майлига, муҳаббат менга кулмасин,
Майлига, йўлимда чечак унмасин.
Бир бахтсиз қиз билан ишинг бўлмасин,
Фақат унутмагин, мени унутма.

Дилдора АСАТОВА.

Шунақаси ҳам бўлади

Инсон ҳаётида турли қизиқарли воқеалар кўп бўлади. Улар ўзининг қизиқарлилиги билан ҳам ёдда қолади. Бундан бир неча йил аввал содир бўлган ушбу воқеа ҳар йили Янги йил кечасида ёдимга тушиб, байрамона кайфиятимни янада кўтарди.

... Янги йил кириб келишига санокли кунлар қолганда бўлим бошлиғимиз хузурига чақириб:

– Бош бошқармадан йиллик ҳисоботларни янги йилгача яқунлаш тўғрисида кўрсатма бор. Шунинг учун кўшни вилоятга хизмат сафарига борасиз. Керакли ҳужжатларни олинг-да, бугуноқ йўл тараддудини кўринг, – деди.

Бошлиқнинг бу гапи, кимдир бошимдан совуқ сув куйиб юборгандек таъсир қилди. Ахир ўзингиз ўйланг, Янги йилни оила даврасида кутиб олишга тайёргарлик кўрилатган бир пайтда, мен нотаниш шаҳарда хизмат сафарига бўлсам. Лекин начора, раҳбарият топшириғи, уни бажармасликнинг иложи йўқ.

Шундай қилиб мен ўша кунидек кўшни вилоятга етиб бориб, керакли идорани топдим. Эртаси кунидек деярли барча топшириқларни уддаладим. Фақат ташкилот раҳбари билангина учраша олмадим. Ўринбосарлари ёрдамида раҳбар билан эрталаб соат 9.00 ларда учрашувга келишдик. Меҳмонхонада ётиб ўзимча ўйлардим: “Агар эртага раҳбар билан мулоқотим бир-икки соатда тугаса, дарҳол уйга жўнайман. Янги йилни оила аъзоларим билан кутиб олишга албатта улгураман”.

Лекин ёлғизликда вақт ўтиши ҳам қийин бўларкан. Алламаҳал бўлгунча телевизор томоша қилдим. Экранда намойиш қилинаётган “Синиқ фонусли кўчалар” телесериалини кўраётиб, бирдан шу шаҳар ички ишлар бўлимида ишлайдиган собиқ курсдошим ёдимга тушиб қолди.

“Кўришмаганимизга ҳам ўн йилдан ошди, ўзгармаганмикан?” – деган ўйда шаҳар ИИБга кўнғироқ қилдим.

– Ассалому алайкум! Бу шаҳар ички ишлар бўлимими?

– Ваалайкум ассалом. Навбатчи Саидов эшитди.

– Кечирасиз, сизларда лейтенант Собир Қўлдошев ишлайдими?

– Майор Қўлдошев шаҳар ИИБ бошлиғи.

– Мумкин бўлса, мени

у киши билан боғласангиз!

– Бошлиққа сизни қандай таништираман?

– Собиқ курсдошимиз Боқижон кўнғироқ қиляпти десангиз у жуда хурсанд бўлади.

Бир-икки дақиқа ўтгач, телефон гўшагидан Собирнинг овози келди.

– Таний олмаяпман, қанақа Боқи?

– Собир! Ошна! Наҳотки, эслай олмаётган бўлсанг. Мен сен билан пединститутда бирга ўқиган Боқи бўламан.

– Э-ҳа! Боқи, сенми-сан! Ҳозир қаердасан?

– Меҳмонхонадаман, шаҳрингизга хизмат сафари билан келгандим.

– Яхши. Хонадан чиқмай ўтириб тур. Бир

ларини алмаштиради-да, ошхонага кириб ўзи овқат тайёрлашга уннаб кетди. Кўп ўтмай у дастурхонга иштахани қитқайдиган тухум билан қовурилган колбасани келтирди.

– Энди дўстим, бир талабалик йилларимизни эслаш учун қиттак-қиттак қиламиз.

Собир шундай деб қадаҳларга коньякдан тўлдирди. Аввалига юз-юздан бошланган “ёдлаш кечаси” охирида уч шишани бўшатиш билан яқун топди.

Қисқаси Собирникида тунги иккигача ўтириб-миз. Мен эрталаб ташкилот раҳбари билан бўладиган учрашувни эслаб, дам олмоқчи эканлигимни дўстимга тушунтирдим.

– Ўзимизнинг “мижозлар”дан-ку! – баравар кулишди улар.

Кўп ўтмай машина пештоқиға “милиция” деб ёзилган бино олдида тўхтади.

– Мана, акам, “Меҳмонхона”га келдик.

– Нима деяпсизлар, йигитлар? Мен турган меҳмонхона бу эмас, – дедим уларга илтижоли боқиб.

– Ўзингга келганингдан кейин хоҳлаган жойингга кетаверасан! – дейишди улар сансираб.

Кейин қўлимни орқага қилишиб, хушёрхонага қамаб қўйишди. Қалин темир эшик шарақлаб ёпилди.

Мен хонанинг бўш бурчагига ўтириб тақдирга тан бериб, бугунги ўтган воқеаларни бирма-бир хаёлимдан ўтка-

зиб, кўзим илинибди.

– Ўрнингиздан туриб ташқарига чиқинг! – хушёрхона навбатчисининг буйруғидан чўчиб уйғониб кетдим.

– Сиз майор Қўлдошевнинг олдида келганми-дингиз?

– Ҳа.

– Марҳамат қилиб ташқарига чиқинг!

Милиционер мени машинага ўтиришга таклиф қилди. Машина мен жойлашган меҳмонхонага олиб келганда эрталабки соат 5.00 эди. Кийимларимни ҳам ечмасдан диванга ўзимни ташладим-у уйқуга кетдим.

Қанча вақт ухладим, билмадим. Телефон кўнғироғидан уйғониб, гўшагни кўтардим.

– Боқижон! Қандайсан? Мен Собирман.

Мени кечир, дўстим. Англашилмовчилик юз берибди. Кеча сен ўтирган машина мен чақирган навбатчи машина эмас, балки патруль-пост машинаси экан. Сени шаҳар кўчаларида доим ичиб,

тентираб юрувчиларга ўхшатишиб, хушёрхонага олиб кетишибди. Чақиртирган машина сени олиб кетишгандан сўнг келибди. Сени кутиша-

кутиша менга хабар беришгандан сўнг қидиришга буйруқ бердим...

– Ҳечқиси йўқ. Ҳаммасига ўзим сабабчиман. Аммо кулиб эслайдиган зўр воқеа бўлди. Хижолат бўлма, хайр...

Мен келишилган вақтда тегишли раҳбар билан учрашиб, ишларимни яқунладим. Уйга келганимда оила аъзоларимнинг барчаси мени интиқлик билан кутиб ўтиришган экан.

Менинг Янги йил олдидаги хизмат сафарим ана шундай ниҳоясига етди.

Борис КЛЕЙМАН.

САФАР
ҲАНГОМАСИ

соатдан кейин олдингга ўтаман.

Орадан бир соат вақт ўтгач, мен турган хонанинг эшиғи тақиллади.

Хизмат кийими қаддиқоматига ярашиб турган Собир кенг кулочларини очиб мени маҳкам кучоқлаб олди. Бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашгач, у:

– Қани, кетдик. Учрашувимизни бир нишонлайлик! – деди.

Ташқарига чиққанимда Собир хизмат машинасида ўтирарди.

– Ҳайдовчи йўқми? – ажабланиб сўрадим унинг рулда ўтиганини кўриб.

– Бугун хотинининг туғилган куни экан, рухсат бердим.

Йўл-йўлакай Собир бир-икки йил орасида ҳаётида жиддий ўзгаришлар бўлганини, раҳбарлик лавозимига ўтиганини, ҳозирда оиласи билан ходимлар учун ажратилган уйда яшаётганлигини айтиб, бугун хотини болаларини олиб қишлоқдаги онасини кўргани кетганлигини таъкидлади. Кўп ўтмай машина кўпқаватли уйлардан бирининг олдида тўхтади. Машинадан тушиб, иккинчи қаватдаги хонадонларнинг бирига кирдик.

– Ўзингни уйингдагидек ҳис қилавер! – деди Собир мени меҳмонхонага таклиф қиларкан.

– Бизга ҳеч ким ҳалақит бермайди.

Собир дарҳол кийим-

– Ҳеч қаерга кетмайсан! Бугун меникида қоласан. Эрталаб хоҳлаган жойингга олиб бориб кўяман, – деди Собир.

– Йўқ, дўстим. Сеникида қолмайман. Сафар ҳужжатларини тайёрлашим керак! – эътироз билдирдим унга.

– Яхши. Ундай бўлса, ҳозир навбатчи машинани чақираман. У сени меҳмонхонага элтиб қўяди.

Мен юз-кўлларимни юваётганимда у навбатчилик қисмига кўнғироқ қилиб машина чақирди.

– Ҳозир машина келади, – у гапини тугатмаган ҳам эдики, ташқарида сирена товуши эшитилди.

– Кўришгунча хайр, дўстим. Хотинингга, болаларингга менинг номимдан салом айт!

Мен Собир билан шу тарзда хайрлашиб пастга тушдим.

Ташқарида қишининг совуқ шабадаси юзимга урилиб, қизиб турган баданларимга ҳузур бахшида этди. Машина ҳайдовчисининг ёнида сержант ҳам ўтирарди.

Мен машинага яқинлашганимда у:

– Э, келинг-келинг, сизни кутиб турувдик ўзи, – деди сержант нима учундир ўрндан ҳам турмай, орқа эшикни очаркан.

– Меҳмонхонага кетдик, укам, – дедим сир бой бермасдан ва машинанинг орқа ўриндигига ўтирдим.

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Янги кириб келган йилимиз "Сихат-саломатлик йили" деб эълон қилингани бежиз эмас. Соғлиқ бахтнинг узвий бир қисмидир. Усиз кишига ҳаёт шодликлари, ўйин-кулгу татимайди, кўнгилларнинг бир чети кемтик бўлади.

Яхши биласиз, ўтган йили мунтазам "Саломатлик саҳифаси"ни эътиборингизга ҳавола этиб бордик. Ниятимиз бундан кейин ҳам бу анъанани давом эттириш. Фақат бир таклиф, сиз ҳам газетамиз билан ижодий ҳамкорлик қилсангиз. Дейлик, шифокорлар замонавий тиббиёт ютуқлари, халқ табобатидан келиб чиқиб ўз маслаҳатларини бериб боришса, бошқалар саломатликларини тиклаш, зарарли одатлардан халос бўлиш, соғлом турмуш тарзи борасида ўз тажрибалари билан ўртоқлашса. Қолаверса, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича бизга мурожаат этишса. Ахир, кўпдан кўп гап чиқади, дейишади-ку. Хуллас, мактубларингизни кутамиз.

Тахририят.

АЛДАМЧИ ОЧЛИК

Яқиндагина уйингизда нонушта қилдингиз. Аммо ишхонангизга келгач, кўп ўтмай ўзингизни очиққандай ҳис этасиз. Бу ҳолат кўпчиликка таниш бўлса керак. Шунда аксар одамлар нима қилишади? Печенье, конфет ёки бошқа бирор нарсани тановул қилади. Кейин нега семириб кетяпман, деб ҳайрон бўлади. Ваҳоланки, бу очлик туйғуси кўпинча алдамчи бўлади. Ҳар бир егуликни ҳазм қилиш учун эса муайян вақт керак. Шунинг учун тушгача сабр қилганингиз маъқул. Хўш, қайси егулик ёки ичимлик қанча вақтда ҳазм бўлишини биласизми?



Масалан, оч қоринга ичилган сув дарҳол ичакка тушади. Мева-сабзавот шарбатлари, булёнлар 20-30 дақиқа ичида сингишади. Тарвузнинг ҳазм бўлишига 20 дақиқа кифоя. Қовун, апельсин, узумнинг ҳазми қийинроқ. Бунга ярим соат керак бўлади. Олма, нок, шафтоли, олча қабиларнинг сингиши учун камида 40 дақиқа вақт ўтиши лозим. Помидор, салат, бодринг, селдир, булғор қалампери ҳам 30-40 дақиқа ичида сингишади.

Пиширилган картошка, сабзи, шолғом, лавлаги қабиларни организм бир соатларда ҳазм қилади. Гуруч, гречка, тарик, маккажўхори уни, мош, ловия ўртача бир-бир ярим соатларда ҳазм бўлади.

Айримлар сут маҳсулотларининг ҳазми осон деб ўйлашади. Бу — хато фикр. Ёғсиз пишлоқ, творог бир ярим соатда сингишади. Ёғи (қаймоғи) олинмаган сутдан тайёрланган пишлоқ эса 4-5 соат ичида ҳазм бўлади.


Гўшлар ичида энг ҳазми осони товук гўшти. У бир ярим соатда сингишади. Қурка гўштининг ҳазм бўлиши учун камида 2-2,5 соат керак. Мол ва қўй гўшлари 3-4 соат ичида ҳазм бўлади. Энг бадҳазми чўчка гўшти. Уни организм 4,5-5 соатда ҳазм қилади.

ТИЗЗА НЕГА ҚАЛТИРАЙДИ?

"Ахволларингиз қандай?" деб сўрасангиз, кўпинча "Бошим оғрипти", "Бошим тарс ёрилай деяпти" қабилидаги жавобларни эшитасиз. Хўш, нега бош оғрийдими? Бу мияни қон билан таъминловчи томирларнинг диаметри ўзгариши билан боғлиқ. Маълумки, қон томирлари эластиклиги хусусиятига эга. Улар торайиб-кенгайиб қон оқимини мувофиқлаштиришади. Аммо баъзан қон айланиши ниҳоятда тезлашиб, томирлар лўқиллаб оғриши мумкин. Ана шунда биз "Бошим тарс ёрилай деяпти" дея нолиймиз.

Хўш, тизза нега қалтирайди? Киши қаттиқ қўрқанида бу ҳолатни бошидан кечиради. Бунга адреналин "айбдор". Катта хавф туғилганда, организмда адреналин ажралиб чиқиб, қонга қўшилади. Тизза гўёки қуввати қолмагандай титрай бошлайди. Организм шу тариқа ўзини ҳимоя қилади.

Гоҳида кулавериб кўзимиздан ёш чиқиб кетади. Юзимизнинг мушаклари оғрийдими. Хатто ичагимиз, ошқозон, қорин мушаклари чўзилади. Қаттиқ ва узок кулганда қорнимиз оғриб, ичагимиз узилай дейишининг боиси ана шунда.



ГИПЕРТОНИКЛАР УЧУН ХУШТАЪМ ДОРИ

Аксар кексалар қон босими юқорилиги (гипертония) хасталигидан азият чекишади. Сўнгги пайтларда ёшлар орасида ҳам бу касалликка чалинганлар учраяпти. Тўғри, дори-дармонлар ёрдамида қон босимини меъёрига тушириш мумкин. Аммо бу вақтинчалик чора. Хасталиқдан бутунлай халос бўлай десангиз, турмуш тарзингизни тубдан ўзгартиришингиз зарур. Вақтида овқатланинг, ўзингизни толиқтирманг, ҳуда-беҳуда асабийлашманг. Шунингдек, табиий дорилардан ҳам фойдаланинг. Қуйида улардан бирини тайёрлаш усулини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Бир стакан асал ва янги тайёрланган бир стакан қатиқни аралаштирасиз. Ҳосил бўлган аралашмага икки чой қошиқ долчин қўшасиз. Ундан қунига икки марта овқатдан олдин икки ош қошиқдан ичинг. Муолажа курси — икки ҳафта. Зарурат туғилса, орадан бир-икки ҳафта ўтказиб, муолажани яна такрорлашингиз мумкин.

Умуман, шифокорлар, табиблар долчиннинг шифобахш хусусиятларини илгаридан пайқашган. Уни оз-оздан пишириқларга қўшса ҳам, чойга жиндақкина аралаштириб ичса ҳам бўлади.



НАЪМАТАКНИНГ ЯНА БИР ХОСИЯТИ

Бизга яхши таниш наъматакнинг кўпчилик билмайдиган бир шифобахш хусусияти бор. У жигар, буйрак, ўт пуфагида тош пайдо бўлишининг олдини олади.

Бунинг учун наъматакнинг 100г қуритилган, майдаланган, уруғсиз мевасини оласиз. Унга бир литр мусаллас қуйиб, бир ой салқин, қоронғу жойда сақлайсиз. Сўнг беш дақиқа қайнатиб, совитиб, тиндириб қунига 2-3 маҳал овқатдан олдин 30 граммдан ичинг.

Бу табиий дори организмдан тош пайдо бўлишининг олдини олиши, жигар фаолиятини яхшилашдан ташқари қонни ҳам кўпайтиради. Агар ҳар йили икки марта (қуз ва баҳор мавсумида) бу муолажани такрорлаб турсангиз, умрингизнинг охиригача тош пайдо бўлиши нималигини билмайсиз. Мазкур ичимлик ҳаётини қувватингизни ошириб, организмнинг қаршилик қобилиятини кучайтиради. Яна бир муҳим жиҳати, кимёвий дорилардан фарқли ўлароқ, ҳеч қандай зарарсиз.

Қолаверса, наъматакнинг ўзини чой ўрнида дамлаб, таъбингизга қараб асал қўшиб ичсангиз ҳам фойдали. У хусусан, С дармондорисига бой. Дамлама мазали чиқиши учун, наъматакнинг қуритилган мевасини данагидан айириб, ҳовончада туйсангиз янаям яхши.

ҲАЗМГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Организмга овқат сингишида ошқозон ости безининг роли каттадир. Шунинг учун қуйидаги маслаҳатга амал қилишингизни тавсия этамиз.

Экологик тоза шароитда етиштирилган (иложи бўлса ўзингизнинг томорқангизда парвариш қилинган) картошка шарбатидан эрталаб ва кечкурун овқатланишдан икки соат олдин 100 мл ичасиз. Орадан беш дақиқа ўтгач, табиий сутдан тайёрланган бир стакан қатиқ (кефир) ичинг. Кейинроқ шарбат миқдорини 200 миллиметргача оширишингиз мумкин. Муолажа курси 15 кун давом этади.

Айни картошка пишиб етилган пайти орада 12 кун танаффус билан муолажа курсини 3-4 марта такрорланг. Кейин йил давомида ошқозон ости безига ёрдам бериши, профилактика мақсадларида яна 1-2 марта курсни қайтарсангиз бўлади. Кўриб турганингиздек, бундан ҳеч қандай зиён кўрмайсиз, фойдаси эса бебаҳо.



Хукм ўқилди

– Хой, Нормат, – юзланди она ўғлига. – Тоғанг тўй қилаётган экан. Икки қоп ун олиб беришингни сўрапти.

Норматни ташвиш босди. Тирикчилигини бир амаллаб ўтказётган пайтида икки қоп унни қаердан олади? Қилмаса яна бўлмайди. Ҳар нечук тоғаси. Қолаверса, тўй кўпчиликнинг ёрдами билан бўлади. Бугун бир амаллаб тоғасига кўмаклашиб юборса, эрта-индин у ҳам қараб ўтирмайди.

Нормат гарчи пулсизликдан қийналаётган бўлса-да, тоғасига ун олиб беришга ҳаракат қила бошлади. Аммо ун бекорга берилмайди-ку. Нима қилишни билмаган йигит қарз олишга аҳд қилди. Бироқ кимдан? Ўйлай-ўйлай Андижон шахрида яшовчи Олмаҳон исмли таниши едига тушди.

Олмаҳон асли Пахтабод туманидан бўлиб, Нормат билан ёшлигидан таниш. Лўли бўлгани учун Андижон шахридаги, тожик маҳаллага келин бўлиб тушган. Туманларга бориб, темир-терсак йиғди. Шаҳарга олиб келиб пуллайди. Нормат ҳам бир-икки марта унга темир-терсак сотган.

Олмаҳон Норматни илик қарши олди.

– Ҳа, ҳамқишлоқ, биз томонларда нима қилиб юрибсиз? – сўради у.

– Бир илтимос билан келувдим, – ийманибгина сўз бошлади Нормат. – Тоғам тўй қилаётган эди. Икки қоп ун олиб беришим керак. Аксига олиб ҳеч ишим юришмаяпти. Озгина ёрдам бериб тура олмайсизми?

Олмаҳон мийғида кулиб қўйди:

– Шунга шунчаликми? Таниш-билишлар шундай пайтда асқотади-да. Мен ҳозир...

У шундай деб ичкари уйга кириб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қўлида бир даста пул билан қайтиб чиқди.

– Мана, қирқ минг сўм. Икки қоп унга етиб ортади. Тўй бўлгандан кейин бошқа харажатлар ҳам чиқиб қолади. Шунинг учун ортиги билан олиб чиқдим. Ҳа, айтганча...

У шошиб қулоғидаги тилла сирғасини ечиб, йигитга узатди.

– Ҳар эҳтимолга қарши. Нархи қирқ минг сўм туради. Мабодо, пулга зориқиб қолсангиз, сотиб юбораверасиз. Фақат менга ўз вақтида саксон минг сўм қилиб қайтарсангиз бўлгани.

Нормат хурсанд бўлганча уйга кетди.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Олмаҳон берган қирқ минг сўм пул барча харажатларга етди. Шунинг учун тилла сирғани сотишга эҳтиёж сезилмади.

Аксига олиб Норматнинг ўғли касал бўлиб қолди. Хотини Сурайё ҳамшира эмасми, болани дарҳол касалхонага олиб бориш кераклиги-

ни айтди. Эр-хотин вақт алламаҳал бўлишга қарамай, ўғлини олиб Андижонга кетишди. Болани текширтириб, тегишли кўрсатма олгунларига қадар қоронғи тушди. Бундай пайтда Пахтабодга етиб олишнинг ўзи бўладими? Шунинг учун ҳам эр-хотин Андижон шахрида яшовчи қариндошлариникида тунаб қолишди.

Улар касалхонага кетган кун Олмаҳон келди. Эр-хотин Андижонда эканлигини билиб, фигони кўкка чиқди. Сўнг ўйнаб юрган болаларга юзланди:

– Ораларингда Норматнинг боласи борми?

– Мен жияниман, – қувонганча югуриб келди Санобар исмли беш ёшли қизалоқ.

– Бунча чиройлисан, – уни эркалатган бўлди Олмаҳон. – Сақич олиб берайми?

– Ҳа.

Қаердан излашни билмай, олдинга келдим.

Нормат турган жойида қотиб қолди. Сурайёнинг эса жаҳли чиқди.

– Ие, нега ундай қилади? Одам боласини ҳам гаровга оладими? Қарз олгани рост. Лекин бунча тез қайтаришга келишишмагани.

Улар йўлга тушишди. Нормат ўғли билан онасини ярим йўлда қолдириб, эр-хотин ўзлари Андижон шахридаги тожик маҳаллага боришди. Олмаҳон уларни кўрган заҳоти сўради:

– Пулни олиб келдингизми, ака?

– Ҳозир пули йўқ, – эрининг ўрнига жавоб берди Сурайё. – Лекин қарзини узатди, айланай. Еб кетадиганлар хилидан эмас. Зарур пайтда асқотасиз-у, пулингизни еб кетармиди. Биз ҳам Аллоҳдан кўрқамиз. Шу арзимас пулни

да қолди. Сурайё зудлик билан Пахтабодга йўл олди. Уйига бориб сирғани олди-да, яна ортига қайтди.

– Мана сирғангиз.

Олмаҳон сирғани кўлига олиб, обдон текширди.

– Вой, буни синдириб қўйдингизми?

– Йўқ, нега синар экан, – эътироз билдирди Сурайё. – Унга авайлаб кўлимни теккиздим.

– Мана бу ери уланган экан-ку. Мен бутун сирға бергандим.

Сурайё эътироз билдирар, Норматнинг тоқати тоқ бўларди.

– Ҳа майли, – сал юмшанган бўлди Олмаҳон. – Бўлар иш бўлибди. Ҳозир жиянингизни олиб чиқаман. Нормат ака, сиз менга қараворинг...

Нормат Олмаҳоннинг ортидан эргашди.

– Ака, озгина молим бор.

сани кўкрак қисмингизга жойлаб олинг.

У шундай деб селлофанга ўроғлиқ нарсани Сурайёга узатди.

– Бу нима? – ҳайрон бўлиб сўради Сурайё.

– Эрингиз билади. Сиз уни яхшилаб жойланг-да, бирор-та энгил машинага ўтириб, Пахтабодга жўнанг. Мен сиздан олдин етиб бориб, кутиб тураман.

“Бечора эрим, – Норматга раҳми келди Сурайёнинг. – Жиянини шу аёлнинг исканжасидан олиб чиқаман деб ҳар қандай тақлифига ҳам рози бўлибди-да”.

– Бунингиз нашами? – сўради Сурайё.

– Индаманг, ўргилай, индаманг. Деворнинг ҳам қулоғи бор. Сиз тез-тез юриб, энгил машинани ёлланг. Эрингиз билан ишингиз бўлмасин. У ўзи билан овора.

Сурайё кўкрагига жойлаб олган нарсаси гиёҳвандлик моддаси эканлигини яхши билса-да, лўли аёлнинг айтганини қилиб, кўча томонга юрди. Эрининг олдида ўзини ҳеч нарса билмагандек тутди. Қилаётган иши жиноят эканлигини била туриб кечирилмас хатога йўл қўйди. Остона хатлаб кўчага чиқди. Рўпарасидан келаётган “Дамас” автомашинасини кўрди-ю саросимага тушиб қолди. Шу ондаёқ оёқлари чалишиб, қадамлари бежолана бошлади. Кўзлари тинмай пирпирар, ҳаяжондан қаттиқ-қаттиқ нафас олар эди. Аксига олиб “Дамас” автомашинасида ички ишлар ходимлари келишаётган экан.

Ходимлар Сурайёнинг хатти-ҳаракатидан шубҳага тушишди. Шу боис ҳам унинг ҳаракатлари ички ишлар ходимларини бефарқ қолдирмади. Улар автомашинадан тушиб, Сурайёга яқин келишди.

– Кечирасиз, биз Андижон шаҳар ички ишлар бўлиמידанмиз. Мана гувоҳномамиз. “Қорадори” тадбири ўтказилапти. Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Мен... мен шифохонада ишлайман. Бу ерда бир бемордан хабар олиб кетаётгандим.

– Беморингизнинг уйи қаерда?

Сурайё саросимага тушиб қолди.

– Биз билан бирга юринглар...

Андижон вилоят судида ушбу ҳолат юзасидан ҳукм ўқилди. Унга биноан Андижон шахрида яшовчи, саккиз фарзанднинг онаси, ҳеч қаерда ишламайдиган Олмаҳон Намозова беш йилга, Пахтабод туманида яшовчи, Андижон шахридаги касалхоналардан бирида ҳамшира бўлиб ишловчи, икки фарзанднинг онаси Сурайё Давидова тўрт йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.



ЖАТМО

– Юр мен билан.

Олмаҳон Санобарни сал нарида турган “Тико” автомашинасига ўтқазиб, ўзи Норматнинг қўшнисиникига кирди.

– Опа, Нормат ака келса айтиб қўйинг. Унинг жиянини олиб кетяпман. Агар берган саксон минг сўм пулимни қайтариб бермаса жиянидан умид қилмасин.

Кўшни аёл зудлик билан бу гапни Норматнинг онасига етказди. Аёл ҳали у ёққа чопди, ҳали бу ёққа, аммо набирасини топа олмади. Нима қилишини билмасди. Тунни йиғи билан ўтказди. Тонг отиб улгурмасидан Андижонга йўл олди. Онахон тўғри ўйлаган эди. Ўғли билан келинини қариндошининг уйдан топди.

– Бир лўли аёлдан қарзинг бор экан-ку, ўғлим, – Норматга юзланди аёл. – Кеча қистаб келган экан. Уйда йўқлигинг учун синглингнинг қизини гаровга олиб кетибди.

деб болани гаровга олиш шартмикин?

– Опа, – унинг сўзини бўлди Олмаҳон, – буни пул деб қўйибдилар. Унинг учун одамлар нима қилмайди, дейсиз. Аёл бошим билан рўзгор тебратяпман. Узоқ туманлардан мана бу елкамга темир-терсак ортиб келиб, пул топяман, ўргилай. Вақтида ёрдам бердим, энди пулмни қайтаринглар-да.

– Менга қаранг, Олмаҳон, – ниҳоят тилга кирди Нормат. – Ҳозир пулим йўқ. Лекин сирғангиз уйда. Пулингизни ҳар ҳафта беш-олти мингдан бериб, қайтараман. Бошқа иложим йўқ. Ҳозир жиянимни қайтариб бермасангиз бўлмайди. Синглим адоийтамом бўлгандир.

– Майли, жиянингизни қайтариб бераман. Бунинг учун сиз аввал уйга бориб сирғамни олиб келинг. Пулни ўзингиз айтгандек бўлиб бўлиб берарсиз.

– Майли, жиянингизни қайтариб бераман. Бунинг учун сиз аввал уйга бориб сирғамни олиб келинг. Пулни ўзингиз айтгандек бўлиб бўлиб берарсиз.

Нормат Олмаҳоннинг уйи-

Шуни ўзингиз билан Пахтабодга олиб кетсангиз. Мен сизни ўша ерда кутиб оламан.

– Нима мол экан?

– Ҳа энди, бир-икки мижозларнинг эҳтиёжини қондирай деб...

Нормат сездики, Олмаҳон гиёҳвандлик моддаси ҳақида гапиряпти.

– Э йўқ, бунақаси кетмайди, – эътироз билдирди у. – Қарзим бўлса узаман. Лекин бу сизга қуллик қиламан, дегани эмас. Мени бундай ишларга аралаштирманг.

– Майли, – бошини сарасарак қилди Олмаҳон. – Буям бир илтимос эди-да. Ўзингиз биласиз. Ундай бўлса мен жиянингизни олиб чиқай.

Нормат жиянини олиб, кўча томон юрди.

– Ҳай, Сурайёнинг энгидан тортди Олмаҳон. – Эрингиз билан бир нимани келишган эдик. Эсидан чиқиб қолди шекилли. Индамай кетишини қаранг. Хуллас, мана бу нар-

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби мактаб бошлигининг ўринбосари, полковник А. Алимовга турмуш ўртоғи

Камола АЛИМОВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ҚИДИРИЛМОҚДА


Жиззах вилояти ИИБ томонидан **Абдуқаҳҳор Эргашевич МИНГИБОВ** жиноят содир этиб, терговдан қочиб юргани учун қидирилмоқда. 1964 йилда туғилган. Жиззах вилояти Зомин тумани Қўриқ қишлоғида яшаган.


Белгилари: бўйи 175-180 см, озгидан келган, кўзлари, қошлари қора.

Алоҳида белгилари: тепа олд тишлари сариқ металлдан.

Кийимлари: эгнида қора чопон, қора шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

А. Мингибоевни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.





САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Хаж зиёратини ният қилган юртдошларимизнинг бир гуруҳи куни кеча Саудия Арабистонга жўнаб кетишди. Ҳар галгидек бу сафар ҳам Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФБ ҳамда профилактика ходимлари ҳажга отланганларни уюшган ҳолда, ортиқча

оворагарчиликларсиз зиёратга юбориш тадбири кўнгилдагидек ўтишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшишди. Улар аввалламбор, сафарни марказлаштирилган, уюшган ҳолда ташкил этишнинг афзалликларини ҳақида аҳоли ўртаси-

да тушунтириш ишлари олиб боришди. Ўз бошларига, яққа ҳолда зиёратга отланган киши дуч келиши мумкин бўлган муаммо ва қийинчиликлар ҳақида гапириб бердилар. Жумладан, улар хасталаниб ёки меҳмонхонадан жой тополмай қийналиб қолишлари мумкинлиги, уюшган ҳолда сафарга чиққан зиёратчилар гуруҳларига шифокорлар бириктирилиши, турар жой масаласи ҳам олдиндан ҳал этилишини тушунтиришди.

Ҳажга отланганларнинг ҳужжатларини тез ва қисқа муддатларда расмийлаштириш, муддати ўтган паспортларни ўз вақтида алмаштириб бериш каби масалалар билан шуғулланиш учун ҳар бир туман ИИБ ХЧК ва ФБдан алоҳида ходим ажратилди. Ходимлар сидқидилдан қилган саъй-ҳаракатлари, хушмуомалаликлари туфайли зиёратчиларнинг дуосини олишмоқда. Киши ўз вазифасини адо этиб, савобга эришишига нима етсин.

Бобомурод ТОШЕВ.

Иккинчи истеъдод

МЎЪЖИЗА ЯРАТГАН ҚЎЛЛАР


Ҳаётда кимдир мўъжиза кутиб яшайди, кимдир эса ўз қўллари билан мўъжизалар яратади. Яқинда Навоий шаҳридаги "Ширин" маданият саройида ўтказилган вилоят ижодкорлари кўргазмасида Пўлат Ботиралиев асарлари билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Беихтиёр шоирнинг,

**Ҳаёт мўъжизалар берар-у бизга,
Эвазига фақат ҳайрат сўрайди,**

деган ёниқ мисралари ёдга тушди.

Кўргазмада намойиш этилган "Фурур", "Ўтмишга назар", "Бухоро", "Чор минор", "Нурота тоғлари", "Кўшиқ" деб номланган асарлари Пўлат аканинг нозик қалб, юксак дид ва катта истеъдод эгаси эканлигидан далолатдир.

Инсон руҳиятини, қалбини гоҳи сўз, гоҳида куй, гоҳ эса ранглар очиб беради, дейдилар. Шу маънода мазкур кўргазмада намойиш этилган асарлар Пўлат аканинг кўп йиллик ижодий изланишлари меваси бўлибгина қолмай, инсоннинг бетакрор руҳий олами, бой маънавий дунёсини очиб бера олиши билан қимматлидир. Кўргазмада П. Ботиралиев иш-



лаган тасвирий санъат асарларини томоша қилиб, бир муҳлис сифатида бедор руҳни, уриб турган юрак сувратини кўрдим. Мавзу жиҳатидан ранг-баранг асарлари кишини бефарқ қолдирмайди. Яхшигина пейзажлари бор.

Дарвоқе, Пўлат Ботиралиев тасвирий санъат оламига бугун кириб келгани йўқ. Моҳир мўъжиза соҳиби шаҳар, вилоят ва республика кўргазмаларида ўз асарлари билан бир неча бор иштирок этиб, ижоди муносиб баҳоланган. У республика Бадий академияси аъзоси.

Оғир ва машаққатли соҳа – ички ишлар идораларида хизмат қилиш билан бирга ижодий иш билан шуғулланиш осон эмас, албатта. Пўлат ака ҳар икки соҳада ҳам ўз ўрнига эга инсон деб айтсак, муболага бўлмайди. Боиси, у Навоий вилояти ички ишлар идораларида кўп йиллик самарали хизматлари билан обрў-эътибор қозонган. Қатор йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, Айти пайтда кўплаб ходимлар у кишини ўзларига устоз деб биладилар.

– Хизматдан, қолаверса, кундалик ҳаёт ташвишларидан ортиб, суратлар ишлашга қандай вақт топасиз? – сўрайман Пўлат акадан.

– Ҳамма гап истакда, – дейди у киши. – Хоҳиш бўлса, вақт топилади. Бир ҳикмат ўқигандим. Маъноси: "Катта мақсад билан яшаган инсон улуг ишлар қилишга қодир". Муҳими, мақсад бўлсин.

– Суратларингиз орасида тарихий мавзудаги асарлар салмоқли...

– Юртимиз қадимий обидалари билан машҳур. Бухоро минорлари ёки Самарқанддаги "Регистон" меъморий мажмуаси, Улугбек расадхонаси ўзига хос архитектураси, жилоси билан кимни мафтун этмайди, дейсиз. Қолаверса, фарзандларимиз, ёш авлод тарихни яхши ўрганишлари керак. Асарларимизга келсак, кўнгил кўзи билан кўрганларимни баҳоли қудрат тасвирлашга ҳаракат қилганман.

Сўхбатимиз давомида Пўлат ака келгуси режалари ҳақида гапирди. Орзу-ниятлари билан ўртоқлашди. Мақсад эзгу, режалар улуг. Бу йўлда қадри устоз, истеъдодли ижодкор полковник Пўлат Ботиралиевга барча ҳаммасблари, шогирдлари номидан ижодий ютуқлар тилаймиз.

Нигора РАҲИМОВА,
Навоий вилояти.

КРИПТОГРАММА

1	5	9	-		
4	5	3	7	2	1
1	5	4	4	5	
6	5	8	7	5	4
1.Тарихчи Абу Тоҳирхўжа асари.					
2. Россиядаги тоғ.3.Она кўшиғи.					
4.Сафли юриш.5.Араб ҳарфи.					
6.Марснинг йўлдоши.					
7.Эрон валютаси.8.Авто марка.					
9.Тўғли спорт ўйини.					
10.Миллат.11.Вилоят тумани.					
12.Ситанинг суюқлиги.13.Либос.					
14.Кучли урилш.15.Чечак.					
16.Совун тури.17.Рус адаби.					
18.Майнзбоп узум нави.					
1.Замонавий савдо маскани.					
2.От зоти.3.Ўзбек шоири.					
4.Сайёра.5.Фанга мансуб сўз.6.Нота.					
7.Бегона гиёҳ.8.Хушрўй аёл.					
9.Инерт газ.10.Асар қисми.					
11."... - игна билан қудуқ қазини".12.Табний фан.					
13.Чекка,кимсасиз жой.14.Самолёт маркаси.					
15.Навоийнинг нодир асари.16.Спирт тури.17.Футболчи.					

ГАЗЕТАНИНГ 2004 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН КРОСВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 2. Олабуға. 7. Сафоил. 8. Вулкон. 9. Дебитор. 11. Мемуар. 12. Омметр. 14. Ганжа. 16. Марта. 18. Лацис. 21. Завод. 24. "Динамо". 26. Оқибат. 28. Бодринг. 29. Бараха. 30. Есенин. 31. Толстой.

БЎЙИГА: 1. Кафе. 2. Доруға. 3. Олдриж. 4. Аврора. 5. Аломат. 6. Борт. 10. Ингибитор. 11. Миокард. 13. Рисолат. 14. Гул. 15. Акс. 16. Муз. 17. Анд. 19. "Арабат". 20. Инобат. 22. Апогей. 23. Офицер. 25. Ипак. 27. Азиз.

**ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir
o'rinbosari
Erkin
SATTOROV
Mas'ul kotib
Rahmatilla
BERDIYEV

Navbatchi
Qobiljon
SHOKIROV
Sahifalovchi
Zokir
BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15,
139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.
E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
"Ipak yo'li" aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.
GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN
Buyurtma J-000880. Hajmi — 6 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 52614 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Bosishga topshirishi — 21.00.
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.
Internet va xorijiy matbuot vositalarini asosida tayyorlandi.